



“Жиноятдан сақланинг” рукнида

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ**

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ**

**Султонмурод Олим**

**ОИЛА ВА ЖАМИЯТ**

*ЎХУД*

***МИКРОЖАМИЯТ ВА МАКРООИЛА***

**ТОШКЕНТ – 2017**

Оила ҳақида кўп ёзилган.

Лекин ҳар бир оила – туганмас бир китоб.

Шундай экан, ҳар кимнинг бу борада ўз қараши, ўз мулоҳазаси, ўз нуқтайи назари бор.

Қўлингиздаги рисола муаллифи ҳам Сизни бу масалада ўз кузатувлари гирдобига тортади. Шунинг учун ҳам, ишонамизки, ундан оҳорий таҳлил ва хулосалар топасиз.

Илова тарзида берилган “Волидайннома” туркумидаги шеърлар ҳам рисоланинг узвий давоми сифатида мутолаа қилинади, аниқки, ўқувчини асло бефарқ қолдирмайди.

Нашр мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## Биринчи боб

### ОИЛА, ЖАМИЯТ ВА ФУҚАРО МАСЪУЛИЯТИ

Инсон жуфт қилиб яратилган. Ҳозирги тушунчадаги оила маданиятига эришилгунига қадар эса башарият кўп-кўп даврларни босиб ўтган.

Одам жамиятдан айри ҳолда яшаши ҳам мумкин эмас. Жамиятнинг энг кичик бўғини эса – оила.

Ўзбек халқининг оила борасида юксак маданияти, минг-минг йиллик мероси бор. Биз ана шу қадимий ва муқаддас миллий анъаналарга, шунингдек, умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаймиз.

Мустақил давлатимизда бугунгача оила билан боғлиқ 50 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 га яқин фармон, қарор ва фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан ортиқ қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби айнан “Оила” деб номланади. Унда тўртта модда мавжуд. Бу моддаларда ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятлар моҳияти акс этган.

63-модда шундай жаранглайди:

*“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.*

*Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади”.*

64-модда эса ота-оналар зиммасига алоҳида вазифа юклайди ҳамда етим болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни давлат ва жамият гарданига кўяди:

*“Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.*

*Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради”.*

65-моддада фарзандларнинг асосий ҳуқуқлари белгиланган:

*“Фарзандлар, ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.*

*Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”.*

66-модда вояга етган ва меҳнатга лаёқатли фарзандлар зиммасига ота-оналар ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклайди:

*“Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”.*

Бу моддаларда оила билан боғлиқ энг муҳим жиҳатлар қамраб олинган, албатта. Бироқ ана шу моддалар асосида бутун бошли “Оила кодекси” ҳам қабул қилинган. Унда оила билан боғлиқ барча ҳуқуқий жиҳатлар, ҳатто, икир-чикирларигача қамраб олинган.

Масалан, вояга етган ва меҳнатга лаёқатли фарзанд ота-онасидан хабар олмай қўйган бўлса, ота-она – ундан суд орқали алимент ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ҳолбуки, кўпчилик *“алимент”* деганда фақат оиласидан

ажралган ота тарафидан 18 ёшга тўлмаган фарзандлари учун тўланадиган ҳақнигина тушунади.

Демак, қонунларимиз ҳар биримизни оила масаласига ўта жиддий муносабатда бўлишга ундайди.

Оила билан боғлиқ миллий ва умуминсоний қадриятлар эса биздан яна кўпдан-кўп тартиб-қоидаларга қатъий амал қилишни талаб этади.

Ажрим билан қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, масалан, ажримга сабабчи бўлганларга нисбатан катта жарималар белгилаш, оиласи аъзолари, хусусан, вояга етмаган фарзандларини уй-жой билан таъминлаш, алимент тўлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан янги таклифлар тайёрлаш лозим. Айтайлик, келинларни тўйдан кейин бир ой ичида куёвнинг уйига пропискага олишни қатъий қоида қилиб қўйиш керак. Турмуш қуриб, шу пайтгача ўзи ва фарзандлари эрининг уйига пропискага қўйилмаган келинларни аниқлаб, бу масалани кечиктирмай ҳал этиш зарур. Оила кодексида никоҳга кираётган томонлар ўзаро никоҳ шартномаси тузиши мумкинлиги қайд этилган. Бироқ энди никоҳ шартномасини мажбурий шарт қилиб қўйиш лозим. Буни қонунга киритиш керак.

Хотинидан ажралган, болаларига алимент тўлашдан бош тортиб юрган, вояга етган ўғли ёки қизининг тўйига ҳисса қўшмаётган ота-она фарзандлари насибасини ўзи еб ўтирибди.

Алимент тўлашдан бош тортиб юрганларга нисбатан жазо кўришни кучайтириш, масалан, 15 суткага мажбурий меҳнатга жалб этишни қонунга киритиш зарурга ўхшайди.

Яна бир жиддий муаммо мавжуд. Бу – қизларни ёш турмушга бериш. Қонунларимизда қизларга 17 ёшга тўлганидан кейин турмушга чиқиш ҳуқуқи белгиланган. Бироқ ҳаётда бунга зид ҳолат юз беряпти. Бизда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Бола 7 ёшга тўлганидан кейин мактабга боради. Қиз касб-хунар коллежи ёки академик лицейни битирганида 19 ёшга тўлган бўлади. Коллеж ёки лицейни тугатмасдан турмушга чиққан қизларнинг ўқиши муаммо бўляпти. 17 ёшда турмушга чиқса, 18 га тўлиб-тўлмай фарзанд кўрадимиз? Нима қилиш керак? Қонунга ўзгартириш киритишни ўйлаб кўришга тўғри келади.

Албатта, турмушга чиққан ўқувчиси учун коллеж ёки лицей директорини ишдан бўшатиш мумкин. Шундай қизларнинг тўйини ўтказган тўйхонанинг рухсатномасини олиб қўйиш чорасини кўрса ҳам, бўлади. Лекин булар ҳақиқий ечим эмас. Масаланинг оқилона ечимини топиш керак. Токи бу масала қонун тарзида йўлга қўйилмас экан, бу борада ижобий ўзгариш бўлиши қийин кечаверади. Чунки оила масаласи маъмурий-бўйруқбозлик ёки кампаниябозлик билан изга тушиб кетаверадиган соҳа эмас.

Коллеж ёки лицейни битирмасдан турмуш қурмаслик масаласи ўғил болаларга ҳам бирдай тегишли. Чунки қонунларимизда 18 ёшга тўлган йигитга уйланиш ҳуқуқи белгиланган. 18 ёшда у ҳали коллеж ёки лицейда ўқиётган бўлади. Бироқ ҳаётда йигитларни ёш уйлантириш муаммоси

қизларни ёш турмушга бериш даражасида кескин тарзда юзага чиққанича йўқ.

*Оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини бахтли санаши мумкин*, деган қараш мавжуд. Рост гап. Инсон оиладагина ҳақиқий маънода бахтли бўла олади. Чунки оила қурмай туриб тўқис бўлиш – амри маҳол. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, аввало, жуфтини бахтли қилиши, қолаверса, фарзандлари бахти учун ҳам масъуллигини, бир лаҳза бўлсин, унутмаслиги керак.

Мустақил Ўзбекистонимизда оилага муносабат масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Буни Конституция ва қонунларимиз ҳам яққол намоён этиб турибди. Бундан ташқари, 1997 йилдан бошлаб ҳар йилни муайян ном билан атаб, шу йўналишда Давлат дастури қабул қилиб, унинг изчил ижроси таъминлаб келиняпти. Ана шу йилларнинг барчаси оила билан боғлиқ. Бинобарин, 1998 йил – *“Оила йили”*, 2012 йил – *“Мустаҳкам оила йили”* бўлган эди.

*“Инсон манфаатлари йили”* (1997), *“Аёллар йили”* (1999), *“Соғлом авлод йили”* (2000), *“Оналар ва болалар йили”* (2001), *“Қарияларни қадрлаш йили”* (2002), *“Обод маҳалла йили”* (2003), *“Меҳр ва мурувват йили”* (2004), *“Сиҳат-саломатлик йили”* (2005), *“Ҳомийлар ва шифокорлар йили”* (2006), *“Ижтимоий ҳимоя йили”* (2007), *“Ёшлар йили”* (2008), *“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”* (2009), *“Баркамол авлод йили”* (2010), *“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”* (2011), *“Обод турмуш йили”* (2013), *“Соғлом бола йили”* (2014), *“Кексаларни эъозлаш йили”* (2015), *“Соғлом она ва бола йили”* (2016), *“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”* (2017) Давлат дастурларининг туб моҳиятида у ёки бу жиҳатдан бевосита оила манфаатларига дахлдорликни сезиш қийин эмас.

Инсон тарбия воситасида комилликка етишади. Тарбия эса – комплекс жараён. Бу жараёнда ҳам оила асосий ҳалқа ҳисобланади.

Бир қизиқ факт келтираман. Мактабларнинг биринчи синф ўқитувчилари ҳар йили ўқув йили бошида, таъбир жоиз тутилса, ўзаро оила талашади. Бу тортишувнинг иккита мақсади бор. Ё: *“Бу йил Фалончиевлар оиласининг фарзандини менинг синфимга беринг”*, – деб, ё: *“Пистончиевлар оиласининг фарзандини яна менга беряпсизми?”* – деб тортишишади. Чунки мактабдаги муаллимлар шуни яхши биладики, Фалончиевлар оиласининг фарзанди яхши ўқийди ва Пистончиевлар оиласи фарзандини ўқитиш жуда қийин кечади.

*“Қуш уясида кўрганини қилади”*, – деган мақол бекорга тўқилмаган. Қаранг, ҳали бола мактабга бормаган. Лекин унинг ўқишга муносабати қандай бўлиши – олдиндан аниқ. Чунки бу масаланинг ечими – бевосита оилага боғлиқ. Ўқитувчилар боланинг акаси ёки опасини ўқитишган, хулоса қилиш учун шу – етарли.

Албатта, ака-опалари яхши ўқимаган бўлса, *бу бола ҳам яхши ўқимайди*, деб қатъий хулоса чиқариш тўғри эмас. Аммо ҳаёт – ҳаёт-да. Аксарият ҳолларда шундай бўлаётгани – аччиқ ҳақиқат.

Боланинг яхши ўқимагани – масаланинг бир томони, холос. Шундай оилалар борки, уларда улғаяётган фарзандлар, вояга етмаган ёшда бўла туриб ҳам, эгри йўлларга кириб қоляпти, улар орасида, ҳатто, оғир жиноятларга қўл урганлар ҳам бор. Мактабларда тарбияси мураккаб, ҳатто, бошқариб бўлмаётган болалар пайдо бўляпти.

Бугина эмас. Умуман, жамиятимизда, хусусан, шаҳримизда оила билан боғлиқ муаммолар кўпайгандан кўпайиб борапти. Мамлакат бўйича энг кўп ажрим Тошкент шаҳрида юз бермоқда.

Тўғри, 2015 йилнинг дастлабки тўққиз ойида шаҳримизда жами 3 минг 586 та оила ажрашган бўлса, бу йилнинг шу даври мобайнида 3 минг 442 та ажрим қайд этилган. Бу 144 тага кам, албатта. Бироқ, ахир, 273 кун мобайнида ҳар куни ўртача 12 – 13 оила барбод бўлаётгани ўта ачинарли хол эмасми? Биттасини айтинг!

Шаҳримизда жами 505 та маҳалла бор. Бу йил шундан 474 тасида ажримлар юз берган. Фақат 31 та маҳалладагина бу йил ажралиш бўлмади, холос. Ўтган йилнинг 9 ойига солиштириганда, бу кўрсаткич Юнусобод туманида 53, Олмазор туманида 25, Бектемир туманида 22 тага ошган.

Оилаларнинг ажралиши кўплиги бизда тор маънода тарбия, кенг маънода маънавият масаласи чатоқлигидан далолат беради.

*Бугун бу масалада бутун жамият жиддий ўйламаса, бўлмайдиган ҳолат юз берган, десак, муболаға бўлмас.*

Мамлакатимиз тараққий этиб, иқтисодимиз ривожланиб, турмушимиз тобора фаровонлашиб боргани сари Тошкент шаҳрида ажралишлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Нима, бу тўқликка шўхликми? Ёки Фарбнинг салбий таъсирими? Бизда ҳам оила муқаддас бўлмай қолдимми?

Ислокий ақидаларга кўра, ажралиш у ёқда турсин, агар кимнингдир оғзидан ажралиш ҳақида бир сўз чиқиб кетса, арши аъло титрар экан. Арши аъло – Ҳақ таолонинг рамзий макони. Ҳатто, *никоҳ осмоний бўлади*, деган қараш ҳам бор.

Бизда бир никоҳли оилалар алоҳида ҳурмат-иззат ва эътиборга лойиқ. Бир никоҳли аёлларгина чимилдиқ осадди. Бир никоҳли аёлларгина саломнома ўқийди. Бир никоҳли аёлларгина келинга янга бўлади ва ҳоказо.

Ота-оналарнинг бола-чақа деб елиб-югуриб, оила фаровонлигини таъминлашга қаттиқ киришгани – яхши. Ҳаёт фаровонлигининг асосини иқтисодий тўқин-сочинлик ташкил этади, албатта. Биз ҳам тезроқ ривожланган давлатлардаги тўқин-сочинлик даражаларига етишимиз керак. Бизнинг ҳаётимиз ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаслиги керак. Ота-онанинг фарзандлари учун яхши шарт-шароитлар яратиб беришига ҳеч ким қарши эмас.

Бироқ айнан бахтли яшаб кетиш учун моддий жиҳатдан барча шарт-шароитлар муҳайё бўлган шундай оилаларда ҳам ёш келин-куёвлар ўртасида бир йил ўтар-ўтмай талай можаролар чиқиб, масала ажралишгача бораётганига сабаб нима?

Ўғил-қизимиз оила қуришга тайёрни ўзи? Биз улар учун ҳамма нарсани ҳозирлаб беришга шаймиз. Бироқ уларнинг ўзини оилавий турмушга тайёрлашни эсдан чиқармаяпмизми? Ахир, энг асосийси шу эмасми?

Таҳлиллардан ҳам кўришиб турибдики, баъзи оилаларда моддиятга етарлича, ҳатто, ҳаддан ташқари катта эътибор берилмапти-ю, маънавият масаласи оқсаяпти. Бундай дейишимизга сабаб фарзанд учун иқтисодий жиҳатдан ҳамма нарса муҳайё қилинган-у, фарзанднинг ўзини ҳаётга, оилавий турмушга, унинг машаққат ва масъулиятларига тайёрлаш ишига етарли эътибор берилмаган.

Йигит – ўзича осмон, қиз – ўзича осмон. Айримларнинг оғзида сигарет, икки қулоғига телефон “қулоқчин”чалари тикиб қўйилган. Кийимлар – хиппи. Соч – охири русумда олинган. “Ер”нинг эса ўз тартиб-қоидалари, талаблари, шартлари бор. Аввал шунга тайёрланиш керак эди.

Қайнана-келин муносабатларидаги асрий иллатларимиздан ҳамон тўла қутулганимизча йўқ. Албатта, ҳар бир муайян ҳодисага алоҳида ёндашиб, кейин хулоса чиқариш лозим. Аммо умумий маънода шахримиз айрим ёш оилаларидаги кўп можароларга ҳам айнан қайнана-келин муносабатлари, аниқроғи, улар ўртасида майда-чуйда, яъни, аслида, шуларсиз ҳам яшаш мумкин бўлган гаплар сабаб бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Танганинг икки тарафи бор. Қиз келин бўлиб тушганидан кейин икки оиладаги анъаналар бирикади, ўзаро уйғунлашади. Айтайлик, келин уйда пишириб юрган турли-туман таомларини тайёрлайди. Ўз-ўзидан, қайнанаси бу уйда одат бўлган овқатларни ҳам унга ўргатади. Модомики, бешиқдан қабргача илм ўрганиш буюрилган экан, оила илми ҳам – умр бўйи ўрганиб, такомиллашиб борадиган нарса. Шу маънода қайнона келинга онасидан ҳам кўпроқ нарса ўргатиш имконига эга. Амалда ҳам келин қайнанаси қўлида оила мактабини ўтайди, чинакам она бўлиб шаклланади.

Оила масаласида Шарқнинг ўз қадим ва қатъий анъаналари бор. Баъзан шуни бузаяпмиз. “Оммавий маданият” бугун оилаларга ҳам бемалол кириб боряпти. Ғарбга кўр-кўрона тақлид билан ўсган қизлар ўртасида келин бўлиб тушган оиланинг дидига ўтирмагани учун турмуши бузилаётганлар камми? Афсуски, кам эмас.

Биз илм-фан, ишлаб чиқариш, техника ва технология, компьютер ва ахборотлаштириш, шунингдек, бошқа кўп-кўп соҳаларда ривожланган давлатлардан ўрганишимиз зарур. Лекин буларнинг ҳеч бири ўз миллий маънавиятимизни бой бериш ҳисобига бўлмаслиги керак-да. Баъзан шу ўрта йўлни топа олмаётгандаймиз.

Мустақиллик шарофати билан жамиятимизда ислом дини ўз ўрни ва мавқеига эга бўла бошлади. Фуқаролар учун виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатланди. Бироқ, ҳаммамиз яхши биламизки, дин никоби остида кўпдан-кўп ёт оқимлар ҳам кириб келди. Энг ёмони, ана шу ақидапарастлар таъсирига тушиб қолган фуқаролар, бутун бошли оилалар ҳам пайдо бўлди. Бунинг салбий оқибатларидан жамият ҳали тўлалигича фориғ бўлгани йўқ.

Ахир, келин бўлиб тушган қизингизни оиласидагилар ҳижобга киришга мажбурлаётган бўлса, бу қайси қонунга мос келади? Шу сабаб бўлиб ажралиб кетаётганлар йўқми?

Айрим оилаларимизда гиёҳвандлик балоси қанчалар раҳна солаётганини фақат ўша ота-оналаргина тўла ҳис этади. Гиёҳванд моддаларни яширинча сотиш билан шуғулланаётганлар айнан иқтисодий жихатдан бақувват оилаларнинг фарзандларини ўз қармоқларига илдиради. Нашавандни ўша захри қотилдан бошқа ҳеч нарса, ҳатто, ёстикдоши ҳам қизиқтирмайди. Энди у билан турмуш қурганнинг аҳволини кўз ўнгингизга келтиринг. Энг ёмони, баъзан келин нашаванд бўлиб чиқяпти ҳам.

Ўртада фарзанд бўлса, оилада ажралиш юз бериши билан камида учта жиддий муаммо юзага келади. Биринчиси – прописка. Иккинчиси – уй-жой. Учинчиси – алимент.

“*Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув*”, – деган ажойиб мақолимиз бор. Тириклайин етим қолган бир болага-чи?

Оила – муқаддас. Аммо унинг ана шу муқаддаслигини сақлаш, асраб-авайлаш, оилага доғ туширмаслик жуда мураккаб ва ўта масъулиятли вазифалар сирасига киради. Бу борада муаммолар ошиб-тошиб ётибди. Уларнинг бари ўз ечимини кутади. Афсуски, бу муаммолар ечимини бевосита ҳар бир оила, унинг ҳар бир аъзоси, демак, муайян шахслар орқалигина топиш мумкин.

Ўзига тўқ оилаларда ўсган айрим ёшларимизда текинхўрлик, маишатпарастлик, худбинлик кайфияти шаклланыпти. Улар бу имконият, бу нозу неъмат айнан ниманинг эвазига юзага келганини, бунинг учун ота-она қанчалар елиб-югургани, тер тўккани, йилларини сарфлаганини тушуниб ҳам етмайди. Шунинг учун у: “*Ўзим зўрман*”, “*Мен алоҳида шахсман*”, “*Мендан зўри йўқ*”, “*Менга ҳамма нарса мумкин*”, “*Менинг мушугимга ҳеч ким “пишт” дея олмайди*”, – деган хато тасаввурларга эга бўлиб қолади. Шаҳар эса бедарвоза эмас. Жамият ҳеч кимнинг ҳаддан ошишини хушмаламайди. Оқибатда карама-қаршилик келиб чиқади. Энг ёмони, бундайлар ана шу позициясини турмуш ўртоғига нисбатан ҳам қўллайди. Оқибатда оила иморатига дарз кетади. Турмуш бузилиш сари юз буради. Ўртада болалар тирик етим бўлади.

Муайян ёшгача одамлар сенинг қай даражада ўсганинга қарайди. Кейин фарзандларингнинг қай даражага етганига қараб баҳо берилади. Ундан кейин невараларингнинг қай мақомларга етишганига асосий эътибор қаратилади. Ҳаёт – бардавом. Одамга баҳо беришнинг мезонлари – жуда кўп. Лекин ҳар қандай шахсга, аввало, оиладаги ютуқларига қараб баҳо бериш энг асосий мезонлардан ҳисобланади.

Келинг, мақсадга яқинроқ юрайлик.

Тўқликка шўхлик биринчи ўринга чиқиб кетяпти. Халқимизда: “*Тахтини эмас, бахтини берсин*”, – деган жуда доно нақл бор. Шунга тўла амал қиляпмизми? Биз фарзандларимизнинг бахтини эмас, аввал тахтини ўйлаб қолмаяпмизмикин? Дабдабали тўйларимиз тахтини ўйлаш эмасми? Тўйларимизда янги-янги қилиқлар чиқаряпмиз. Жуфт-жуфт бўлиб, “танца”



тушишларни ким чиқаряпти? Бизга, миллий маънавиятимизга ярашадими шу? Тўйнинг ўзида, яъни ҳали оилавий турмуш бошланмасдан ўзимиз унга путур етказиб қўйяпмиз. “*Балиқ бошидан сасийди*”, – деган мавқолимиз ҳам бор. “*Бола – ёшдан, хотин – бошдан*”, – деган ҳикматимиз замирида нима ётибди? Оила масаласида тўйнинг ўзидаёқ хатоларга йўл қўйяпмиз. Маслаҳат йўқ. Миллий анъаналарга амал қилиш йўқ баъзи тўйларимизда. Янги-янги расм-русумларни тўйларимизга тиқиштираётганнинг моддий манфаатдорлиги бор. Ҳар мақомга йўрғалайверамизми? Ким нима деса, унга эргашиб кетаверамизми?

Ҳар 10 ажралишдан 10 – 15 бола тирик етим бўлиб қоляпти. Хўш, ноқобил болалар қаердан чиқяпти? Ана шу тирик етимлар орасидан кўпроқ чиқяпти, албатта. Ахир: “*Қуш уясида кўрганини қилади*”. Носоғлом маънавий муносабатлар гирдобида, бунинг устига, иқтисодий мушкулотлар билан, меҳрга зор бўлиб ўсган боланинг тарбияси яна қандай бўлиши мумкин?

Йигитлар уйланади. Тўй зўр ўтади. Кейин-чи? Нарироққа бриб, хотини ёқмай қолади. Ажримга ариза берилади.

Оқибат-чи?

Ўртада фарзанд бўлса, оилада ажралиш юз бериши билан камида учта жиддий муаммо юзага келади.

Биринчиси – прописка. Келин тўй бўлган, янги хонадонда яшяпти, фарзанд ҳам кўрган. Лекин на ўзи, на фарзанди прописка қилинган. Демак, унинг ва фарзандининг эрининг хонадонида қонунан яшаш ҳуқуқи мавжуд эмас. Суд унга бу ерда яшаш ҳуқуқини бера олмайди. Чунки пропискиси – ота уйида.

Иккинчиси, амалдаги қонунларимизга биноан, эрнинг уй-жойи уйлангунга қадар бўлган бўлса, келиннинг бу уйда мулкый ҳуқуқи йўқ. Демак, унга ва боласига эри томонидан уй-жой ёки бунинг учун маблағ ажратилмайди.

Учинчиси, алимент. Буни ундириш ҳамма вақт ҳам бир текис кечаётгани йўқ.

Эридан ажралган аёлга ўзини, фарзандларини боқиш, болаларни тарбиялаш муаммоларини айтмай қўя қолайлик.

“*Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув*”, – деган ажойиб мақолимиз бор. Тириклайин етим қолган бир болага-чи? Ҳозирги замонда бир болани ҳартомонлама етук шахс қилиб вояга етказиш кимга осон? Ҳеч кимга! Шундай экан, болаларни отасиз оёққа қўйиш бу онага осон кечади, деб ўйлайсизми? Асло!

Эски замонларда оиласи ўхшамаган эркакнинг чопонини еклкасига ташлаб, уй-жойини хотини ва бола-чақасига қолдириб кетгани ҳақида кўп эшитганмиз. Энди эса жаралаётган эр уларни уйдан ҳайдаб чиқаряпти. Қаёққа боради? Қаерга сиғади?

Отамисан, бола туғдирдингми, қарашинг, боқишинг, ёрдам беришинг – шарт. Болалари тақдирини ўйлаган ҳар қандай одам шундай қилиши керак.

Маҳалла оқсоқолининг 8 нафар маслаҳатчиси бор. Биттаси – яраштирув комиссияси раиси. Қўни-қўшни, маҳалла-қўй қайси оилада

“тинғир-тинғир” гап борлигини яхши билади. Лекин: *“Оилага эсини еган аралашади, – деган мақолимиз ҳам бор. Чунки: “Эру хотин уриши – дока рўмолнинг қуриши”*. Эртага бу эру хотин ярашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетади, орада аралашган юзи шувут бўлиб, айтган гаплари, берган маслаҳатларига пушаймонлар еб юради. Бу – биринчидан. Иккинчидан, биз жуда назокатли, фаросатли халқмиз. Қош қўяман, деб, кўз чиқариш қўйишдан ўлгудек кўрқамиз. Сабаби – аниқ. Оила – ўта нозик масала. Бу муқаддас маъво бегонанинг аралашувини асло ўхуш кўмайди. Сир кўчага чиққан бўлади-да. Нима қиламиз бировнинг маставасига қатиқ бўлиб?!

Айримлар яраштириш ўрнига эру хотинни бадтар бир-бирига гижгижлайди. Эскича айтганда, бунинг охиратда ҳам қаттиқ жазоси бор.

Бир ҳисобда, тўғри қиламиз. Лекин жамият арзимаган баҳоналар билан ажралиб кетаётган оилага бефарқ қара-а-б ўтиравериши керакми?

Йўқ! Силлиқ йўлларини излашимиз ва топишимиз керак. Айтайлик, келин-куёвнинг бобо-бувиси, амма-холаси, амаки-тоғаси... борми? Шуларни ишга солиш керак. Яраштирув комиссияси аъзоси эмас, уларнинг даъвати ва таклифи билан келин-куёвнинг яқинлари кириб борсин бу хонадонга. От тепкисини от кўтаради-да. Ана шундагина иш силлиқ кўчиши мумкин.

Ҳаммамизнинг онгимизда бир хато тасаввур қаттиқ ўрнашиб қолган. Уйдаги қайнана – салбий қаҳрамон. Ҳатто, кўп-кўп спектакль ёки телесериалларимизда ҳам нуқул қайнанани айбдор қилиб кўрсатамиз. Аслида, реал воқелик бундай эмас. Аввало, қайнана ҳам – она. Ҳеч бир она фарзандига ёмон бўлсин демайди.

Аммо...

*“Хотининг: “Гаҳ!” – десанг, кафтингга қўнадиган бўлсин”, “Керак бўлса-чи, ўғлимга онаси ўпмаганини олиб бераман”, “Дарахтни бир тепсанг, “дув” этиб, тутдай қиз тўкилади”, “Уйда мен каттами, фақат менинг айтганим бўлади”* – дейдиган қайнаналар кам эмас. Худди шунингдек: *“Сени уларга чўри қилиб берганманми?”, “Қорнимга сиққан қизим уйимга ҳам сигади”, “Менинг қизим бунақа қийинчиликларга кўниккан эмас”, “Менинг қизим уйда бунақа овқатлар емаган”* – дейдиган оналар ҳам бор-ку! Беш кўл баробар эмас. Ҳеч қачон баробар бўлмайди ҳам. Буни ҳаёт деб қўйибди. Ҳаёт эса – мураккаб. Жуда ўзгарувчан ҳам. У доим бир хил бўлавермайди. Ем еб юрган от бир тикан ейиши, тикан еб юрган от бир кун ем ейиши мумкин.

Шу гаплари билан она қизини ажратиб олади-да, уч-тўрт йил ўтиб, қорнига сиққан қизи уйига сиғмай қолади. Чунки ўғил уйлантириш керак, келин келиши керак. Янги оилага уй-жой керак. Қиз болалари билан келиб, келин тушиши керак бўлган уйни эгаллаб олган. Ана ундан кейин бошланади ҳақ талаб қилишлар.

*Эрга теккунига қадар уйда кўнгилдагидек трабия олмай турмуш қураётган қизларимиз кам, деб ўйлайсизми?*

*“Келинни кўрганда кўр, сепини ёйганда кўр”*, – деган ажойиб мақолимиз бор. Тўғри, бу ерда, авваламбор, моддий маънодаги сеп кўзда тутилган. Лекин *“сеп”*ни кўчма маънода, яъни тимсолий қилиб тушуниш

хам мумкин. Келин ёйган “сеп”и – амалда тўйдан кейин янги оилада ўзини қандай тутиши. У уйида яхши тарбия кўрган бўлса, обрўйига обрўй кўшилади. Тарбия кўрмаган бўлса-чи? Унда моддий маънода олиб келган сепи маънавий маънода “сеп”лик қила олмай қолади. Келиннинг ота-онасининг уйидан келтирган мол-мулки эмас, ўзи – бойлик.

Аёл маҳаллага эридан шикоят қилиб чиқса, тамом, эркакнинг ғурури топталади, обрўйига путур етади. Бир кўшиқда: “*Эркак йиғламасин*”, – деган ғоя бор. Эркак унча-мунчага кўзёши қилиб ўтирмайди. У йиғласа, ичидан зил кетади. Эркакнинг ғурури топталдими, энди қийин. Айрим оилаларнинг бекордан-бекорга ажралиб кетишига айнан аёлларнинг енгил-елпи иш тутиши сабаб бўляпти ҳам.

Судга ариза берилдими, энди ши бадтар чигаллашади. Орқага йўл беркилади ҳисоб. Чунки адоват кучаяди.

Қайси оилани сақлаб қолмоқчи бўлсак, судгача унга ёрдам беришимиз, ишни судгача олиб бормасмлигимиз керак.

“Оммавий маданият” оилаларимизга бе“пўш-пўш” кириб келди. Айрим қизларимиз коллеж ёки лицейда, бакалавриат ёки магистратурада ўқиб юрган кезлари ҳеч кимдан уялмай-нетмай турли йигитлар билан хат ёзишадиган, СМС ёзишадиган, интернет орқали мулоқот қилиб турадиган бўлиб кетишади. Ҳеч ким уларни бу йўлдан қайтармайди. Баъзиларининг онг-тасаввурида бунинг хато экани ҳақида фикрнинг ўзи ҳам йўқ. Шу орада совчи келади, унаштирилади, тез фурсатларда тўй ҳам бўлиб ўтади. Ўрганган кўнгил-ку. Яна ўша эски “иш”ини бемалол давом эттираверади. Ёки беҳаё клиплар, видеолавҳалар томоша қилиб ўтираётган келинлар йўқми? Шундай томошаларни кўришга ёш хотинини ўргатаётган йигитлар-чи?

Бизнинг миллатда бу қайси маънавиятга тўғри келади? Айнан шундай воқеа-ҳодисалар сабаб бўлиб ажралиб кетаётганлар – қанча!

Судларда ажримларни кўриш масаласини ҳам тубдан ислоҳ қилишимиз керакка ўхшайди. Суд бутун бошли оила тақдирини ҳал қилиб беради. Оила эса бир кишидан иборат эмас. Оилани бузиш осон, лекин уни кўнгилдагидек тузиш – мушкул. Бизнинг миллатда иккинчи турмушга *синган коса* деб қаралади. Косага дарз кетдими, уни асло ямаб бўлмайди. Судларнинг маҳалла билан алоқасини мустаҳкамлаш керак. Бунинг учун қонунларимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга тўғри келади.

Мустақиллик йилларида динимиз ўзимизга қайтди. Лекин жамиятда “шаръий никоҳ” деган иллат ҳам пайдо бўлди. Биз дунёвий давлатда яшаймиз. Демократик тузумда никоҳ – давлат идорасигина шуғулланадиган масала. Давлат никоҳ ҳуқуқини ҳеч кимга бериб қўймайди. Мусулмонлар исломий қонун-қоидалар бўйича келин-куёвга никоҳ ўқитириши мумкин. Лекин уни давлат идорасининг расмий никоҳидан ўтганлар учунгина ўқиш ҳуқуқи жорий этилган. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус фатвоси бор. ФХДЁ тарафидан расмий никоҳдан ўтгани ҳақида гувоҳномаси ёки шундай никоҳ тузилаётгани тўғрисида маълумотномаси бўлмаган жуфтликларга никоҳ ўқиб қўйишга бирон-бир масжид имом-хатибининг ҳаққи йўқ.

Шунга қарамай, хуфёна йўллар билан никоҳ ўқитиб, яшаб юрганлар бор. Энг ёмони, айримлар ҳали биринчи оиласидан расман ажралмай туриб, шаръий никоҳ асосида қайта уйланиб оляпти. Бундан ҳам ёмони, расмий никоҳидан ажралмай туриб шаръий никоҳ билан эрга тегиб кетаётган аёллар ҳам бор. Бунга мутлақо чек қўйиш зарур. Бунга қарши қонуна қаттиқ чоралар кўриш белгиланиши лозим.

Ҳаётда биринчи даражали ахборотлар бор, иккинчи даражали ахборотлар ҳам бор. Олдинги замонларда келин муайян муддатлардагина ота-онасиникига борган. Албатта, қизининг уйидаги гаплар ҳам ота-она томонга камроқ етиб борган. Ҳозир эса коммуникация юксак тараққий этиб борапти. Келинлар кун-узун онаси билан гаплашиши мумкин. *Нималар айтилмайди*, дейсиз. Холодильникда гўшт камлиги ҳам қолмайди-да. Ҳолбуки, уни онангининг уйдан гўшт келтириб тўлғазмайсан-ку. Ана энди онаси шуни кудахолага айтса, нима бўлади? Бундай масалаларда келин ниҳоят даражада зукко бўлиши, уйининг сирини “кўча”га олиб чиқмаслиги лозим. Гап кўпаяди. Гап кўпайдими, “тинғир-тинғир” бошланади.

Шаҳримизда ҳали ажрим ҳақида судга мурожаат қилмаган, лекин амалда бирга яшамаётган қанчадан-қанча оилалар бор. Шуларни яраштирайлик. Масала судгача бормасин. Судга ариза берилдими, *оила косасига дарз кетди*, деяверинг. Чунки биз ғурурли халқмиз. Модомики, томонлардан бири судгача бордими, энди иккинчи тарафнинг дили қизимайди.

Нималар ажримларга сабаб бўляпти?

Биттаси – кўпхотинлилик. Куёвнинг бошқа оиласи бор. Лекин келиннинг бевафолиги орқасидан ажралиб кетаётган оилалар йўқми? Айрим аёллар: “*Эрим юриб кетди*”, – деб бемалол айтаверади, бу ҳақда ҳамма ёққа жар солади, бонг уради. Бироқ камдан-кам эркак аёлининг хиёнатини ошкор қилади.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий асарларидан бирида қизиқ бир масалага ойдинлик киритилади. Бир болани отаси муаллимга беради. У яхши ўзлаштира олмайди. Нима қилиш керак? Муаллим буни боланинг отасига айтса, буни билиб қолган шогирднинг устозидан кўнгли қолади. Кўнгли қолса, ёмон кўрса, бадтар ўқимай кўяди. Шунда устоз орага “элчи” солади. Бир одамга шу гапларни отасига етказишни, лекин зинҳор-базинҳор ўқувчи ундан устози шикоят қилганини билмаслиги кераклигини қаттиқ уқтиради.

Оила масаласида ҳам шундай нозик йўл тутиш керак.

Бу мулоҳазаларимизни, *баландпарвоз гаплар*, деб тушунманглар. Келинг, ҳаммамизни дўппини олиб қўйиб, бу ўта муҳим масала устида бош қотирайлик. Зора шаҳримизда ажралишлар сони кескин камайса. Чумчуқнинг ҳам уйи бузилмаса. Болалар тирик етим бўлмаса. Она-болалар уйсиз-жойсиз қолмаса. Ахир, ҳаёт ҳар кимга ҳам фақат бир мартагина берилади. Одам ҳеч қачон хор бўлиб қолмаслиги керак. Инсон бахтли яшаши керак. У бахтли яшашга ҳақли. Киши фақат оиладагина бахтли яшаши мумкин. Бироқ бахтли яшаш кўп нарсага, жумладан, кўп кишиларга, яна ҳам очикроқ қилиб айтсак, ҳаммамизга боғлиқ.

Бебилиска пул топаётганлар оиласида ноқобил фарзандлар кўпроқ вояга етаётгани – аччиқ ҳақиқат. Ҳатто, катта-катта лавозимларда ишлаётган шахсларнинг фарзандлари ўртасида ҳам ноқобиллар кўп чиқаётгани афсуслантиради кишини.

Яна бир жиҳат. Тақдир – Яратганнинг иродасидаги масала. Кимнингдир ёш пайтида эри вафот этади. Ота-онаси эрсиз қолган қизини, болаларига қўшиб, уйига қайтариб олиб кетади. Йиллар ўтиб, уй торлик қилиб қолади. Ана энди шунча маҳал ўтганидан кейин кетиб қолган келин эри тарафидагилардан ўзи ва болаларига уй-жой ажратиб беришни талаб қила бошлайди. Буни: “*Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда – ҳозир*”, – деган мақолимиздаги ҳолатга ўхшатиш мумкин. Хўп, эринг дунёдан ўтибди, болаларинг бор экан, бошқа турмуш қилиш ниятинг йўқ экан, нима қиласан иссиқ жойингни совутиб? Яшайвермайсанми шу ерда қайната-қайнонанинг хизматини қилиб, дуосини олиб? Ўшандагина бу муаммо осон ечим топган бўлур эди. Ҳар қандай оила, аввало, маҳаллада истиқомат қилади. Маҳалла бизда қадим-қадимдан тарбия мактаби бўлиб келган. Маҳалла фуқаролар йиғини раисининг бир ўринбосари айнан диний маърифат ва ахлоқий-маънавий тарбия масаласига масъул. Шундай экан, маҳалларимиз оилалар билан ишлашни тамоман янги, замон ўртага қўяётган мураккабликлардан келиб чиққан ҳолда изга қўйиши лозим.

Давраларда ажралишлар кўпаяётгани ҳақида гап кетгудек бўлса, ўйламай-нетмай, *Хотин-қизлар қўмитаси яхши ишламаяпти*, деймиз. Эҳтимол, бу гапда ҳам жон бордир. Лекин, ахир, оила фақат аёлларга боғлиқ масала эмас-ку. Хўш, эркалар “қўмитаси” нима иш қиляпти унда? Оилада эркаларнинг роли йўқми? Оила бошлиғи ким ўзи? Отами ёки онами? Қачондан буён ўғил ёки қизнинг ажралиш-ажралмаслиги, асосан, аёллар ҳал қиладиган масала бўлиб қолди?

Бир қошиқ кислота қаттиқ метални ҳам эритади. Бир ҳовуч тупроқ бир челак сувни лойқалатади. Бир оиланинг ажралиши ҳам жамиятни носоғлом қилади. Шундан эҳтиёт бўлишимиз зарур.

Оилаларга ижобий таъсир ўтказишнинг янги-янги йўл-йўриқ, усул-услугларини топишимиз керак. Токи оила бундан буён ҳам комил инсонлар вояга етадиган энг мўътабар маскан бўлиб қолсин.

Ёшлар – келажагимиз. Лекин уларнинг айнан қандай вояга етиши, аввало, оилага, унинг ҳар бир аъзосига боғлиқ. Жамиятимизнинг қандай бўлишини бугун оилаларимизнинг қандай экани беғлилайди. Мамлакатимизда оилалар – ўртача 4,5 кишидан иборат. Демак, мамлакатимизда 7,5 миллионга яқин оила бор.

Оила мустаҳкамлиги – жамият мустаҳкамлиги. Оила тинчлиги – жамият тинчлиги. Оила фаровонлиги – жамият фаровонлиги. Оила аҳиллиги – жамият аҳиллиги. Оила бахти – жамият бахти.

Буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Оила – жамият пойдевори.

Уни мустаҳкамлашга ҳар биримиз бевосита масъулмиз.

## ОИЛА – МИКРОЖАМИЯТ, ЖАМИЯТ – МАКРООИЛА

Бундан 22 – 23 йилча илгари телевидениенинг “Ўзингни эр билсанг...” кўрсатуви бошловчиси Алишер Дониёров каминани оила ҳақида суҳбатга тортган эди. Ўшанда минг хижолат билан: *“Ҳали оила ҳақида фикр айтиш ёшига етмаганман”*, – деб қутулганман. Энди 64 ёшга кирган киши бундай баҳона қилолмайди. Қолаверса, бу синни солда ҳар қандай одам оила борасида етарли тажриба тўплаган, онг-тафаккури, ўй-хаёлида бир дунё хулоса ҳам шаклланган бўлади, албатта.

Хуллас, оила хусусида суҳбатлашсак, ярашар, ахир.

Лекин оила ҳақидаги ҳар қандай фикр-мулоҳаза амалда жамият хусусидаги таҳлилга айланиб кетаверади.

Хўш, оила – нима-ю, жамият – нима?

Оила – микрожамият, жамият – макрооила. Эски тилимизда айтганда, оила – жамияти сағир, жамият – оилаи кабир.

Ўзбекистонимизда оила ўртача 4 – 4,5 кишидан таркиб топган. Демак, бизда жами 7,5 – 8 миллион оила бор. Бу шунча жамият дегани. Оила тинч, аҳил, хотиржам, фаровон, бахтли бўлса, жамият тинч, аҳил, хотиржам, фаровон, бахтли бўлади. Чунки ҳамма нарса оилага бориб тақалади. Жамият мустаҳкам бўлиши учун аввал оилани мустаҳкам қилишнинг чорасини кўриш керак. Ўз оиласида бахтли бўлмаган киши бошқа ҳеч ерда бахтли эмас.

Аниқ бўлдики, жамиятда ҳамма нарса оилага бориб тақалар экан, хўш, оилада-чи?

Оилада эса ҳамма нарса аёлга бориб тақалади. *“Эрни эр қиладиган ҳам – хотин, қаро Ер қиладиган ҳам”*. Халқ билиб айтган. Сабаби шуки, аёл – аввало, она! Она – меҳвар, яъни чархнинг асосий ўқи. Оила шу меҳвар атрофида айланади.

Бироқ: *“Фарзандлар камоли – отага боғлиқ”*, – деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Ҳеч ким бу фикрга эътироз қила олмаса керак. Бола тарбиясида отанинг ўрни ва мавқеини ҳеч ҳам камситмаган, заррача камайтирмаган ҳолда шуни айтиш керакки, оилада тарбиянинг “она”си – она.

Фанда, *бола беш ёшига қадар умрининг охиригача оладиган ахборотнинг 70 фойизини ўзлаштиради*, деган қараш бор. Хўш, беш ёшгача бола кўпроқ онаси билан бўладими ёки отаси биланми? Албатта, онаси билан. Онада ахборот етарли бўлса, бола ундан оладими ёки бўлмаса ҳам олаверадими?

Шўро даврининг охирларида айрим зиёлиларимиз оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиб: *“Ўзбек аёллари ўқисин, билим олсин, лекин ишламасдан уйда ўтириб, бола тарбияси билан шугуллансин”*, –

деганга ўхшаш таклифларни ўртага ташлашди. Ҳозир ҳам шу фикрда юрганлар – қанча. Соддароқ қараганда, бу ҳам хато талаб эмасдек кўринади. Бироқ Америка Қўшма Штатлари олимлари ўтказган ижтимоий тадқиқот хулосасига кўра, ишлайдиган оналар тарбиялаган болаларнинг умумий савияси уй бекалари тарбиялаган болаларнинг умумий савиясидан анча баланд экан. Чунки ишлайдиган аёл – фаол, ҳаракатчан, яшовчан, ҳаётга ўч, кунини тартиб билан тақсимлашга мажбур, ҳамма нарсага улгуришга интилади, катта ахборот майдонига эга. Бу эса фарзанднинг онг-тафаккури, дунёқарashi, фаоллигини тарбиялашда жуда қўл келар экан.

Шуларни битяпман-у, раҳматли онамни ўйлайман.

Онам мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дас берганлар. Оталари, мадрасада ўқимаган бўлсалар ҳам, жуда саводли киши эдилар. Арабий, форсий, туркий китоблар китобларни кўп ўқирдилар.

Отам раҳбар ходим, иқтисодчи эдилар. Оталари Бухоро мадрасаларидан бирида тўрт йил таҳсил кўрган эдилар.

Ўн йиллар муқаддам бир мухбир укамиз радиода камина ҳақида эшиттириш тайёрлаган. Шунда таниқли адиб Эркин Аъзам: “Мен бу укамизнинг ота-онаси, бобо-бувисини танимайман, улар ҳақида эшитмаганман ҳам, лекин аниқ биламанки, бу укамиз биринчи авлод зиёли эмас”, – деганлар. Бу қутилмаган гапдан кейин боболаримнинг саводли, ўқимишли одамлар бўлганларидан, маърифатли оилада ўсганимдан фахрланиб кетганман.

Саккиз ўғил, бир қиз вояга етганмиз. Беш нафаримиз мактабни медаль билан битирганмиз. Икки нафаримиз олий таълим муассасаларига бир фандан имтиҳон топшириб, биримиз, ҳатто, имтиҳонсиз қабул қилинганмиз. Уч нафаримиз олий таълим муассасасини имтиёзли тугатганмиз. Адабиётдан икки нафар фан номзоди чиққан. Ҳаммамиз Бухоро, Самарқанд ва Тошкент олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида ўқиганмиз. Саккизимиз мактабни битирган йилимиз ўқишга кирганмиз. Бир укамизгина бир йил киролмай, иккинчи йили ўқишга қабул қилинган. Турли касб эгалари етишиб чиққан: врач, журналист, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, иқтисодчи, агроном, муҳандис, актёр...

Лекин бу ерда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак: ҳаёт шуни кўрсатадики, олий маълумотга эга бўлишнинг ўзигина ҳали бахт белгиси эмас. Кимки бир соҳа бўйича олий маълумотга эга бўлганидан кейин уни умрининг охиригача камолотга етказа борса, ўзини ўша касб эгаси ҳисоблаши мумкин.

Ўн фарзандли, маърифатли оиланинг қизига уйланганман. Қайнотам раҳматли, асли, тарих ва филология факультетида ўқиганлар. Мактабда директорлик, жамоа хўжалиги раиси ўринбосари, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаганлар. Қайнонам олий маълумотли бўлмасалар ҳам, унча-мунча ўқигандан пешроқ маънавият ва маърифат эгаси эдилар.

Улар тарбиялаган ўн фарзанддан тўққизи – олий маълумотли. Болаларимнинг онаси билан ҳамкасбмиз. Асли, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Ўзи ўқиган мактабда, кейин Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон миллий университети, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўзбек тилидан дарс берган. 21 йилдан буён Республика Маънавият тарғибот марказида меҳнат қилади. 15 йилдан буён шу Марказда Маънавий-маърифий тарғибот бўлими мудирини. “Шухрат” медали соҳибаси.

Кўплар: “*Тенг тенги билан...*” – деган мақолни оилага нисбатан ҳам ишлатишади. Авваллари бу гапга кўп ҳам эътибор қилавермас эканман. Ҳолбуки, бежиз айтилмас экан. Икки ўғилни уйлантираётганда бунга амин бўлдим. Гап очилиб қолгани учун айтиб ўтай: икки ўғлимиз ҳам, икки келинимиз ҳам – магистр-журналист.

Арифметиканинг бир олтин қоидаси бор. Плюсни, яъни мусбатни мусбатга кўпайтирсангиз, кўпайтма, албатта, мусбат бўлади. Минусни, яъни манфийни манфийга кўпайтирсангиз ҳам, кўпайтма, албатта, мусбат бўлиб чиқади. Лекин агар, мабодо, мусбатни манфийга кўпайтирсангиз, кўпайтма, албатта, манфий бўлади.

Кўпол ўхшатиш учун минг бор узр сўраган ҳолда кўнгилдан бот-бот кечадиган бир мулоҳазани шу ерда айтгим келяпти: турмуш қуриш масаласи ҳам шунга ўхшайди. Истайсизми-истамайсизми, бор ҳақиқат шуки, одамлар орасида ўткир, кучли, салоҳиятли, истеъдодли кишилар унчалар кўп чиқавермайди. Ҳамма макон ва барча замонда ҳам камолотга эришган инсонлар ноёб ҳодиса ҳисобланади.

Ана энди шу кучли-кучли йигитларни бундайроқ-бундайроқ қизларга уйлантирсак, натижа, худди арифметиканинг “олтин” қоидасидаги каби, бундайроқ-бундайроқ бўлаверади. Яъни бу оилада ота даражасидаги кучли-кучли болалар туғилиши эҳтимоли жуда-жуда камайиб кетади. Ҳаётда бунинг кўп-кўп мисолларини кўришга тўғри келди. Кучли-кучли, ўткир-ўткир йигитларга кучли-кучли, ўткир-ўткир қизларни олиб бериш керак. Ёки, аксинча, кучли-кучли, ўткир-ўткир қизларимиз баъзан бундайроқ-бундайроқ йигит билан бир ёстикқа бош қўяди. Бунда ҳам – ўша гап.

Албатта, ҳаёт шоҳмот ўйини эмаски, хоҳлаган донани хоҳлаган катакка юрсанг. Мен айтаётган мулоҳаза – нари борса, бир назария, албатта. Ҳаёт эса – аввало, амалиётдан иборат. Шунга қарамасдан, *ҳар бир ота-она, ёшларнинг ўзи ҳам айтилган ана шу мулоҳаза мағзини обдон чақиб кўрса, шубҳасиз, камини чиқарган хулосага келса керак*, деб ўйлайман. Бунга ишонаман.

Бир абитуриент қиз география факультетига кириш учун тест топшириб чиқди. “*Саволлар қийин бўлмадим, қизим?*” – деб сўрадим ундан. “*Жуда қийин саволлар тушди*”, – деди у ҳеч иккиланмасдан. Муаллимчилик “касал”и тутиб қолдим, ишқилиб: “*Масалан, қандай савол?*” – деб сўрадим. “*Масалан: “Қайси шаҳарлар нефтни энг кўп экспорт қилади?” – деган савол тушди*” – деди. “*Йўғ-е, – дедим мен, – “қайси мамлакатлар” дегандир?*” “*Йўқ, айнан “шаҳарлар” деган*”. Кейин ундан тест жавобларини айтишни сўрадим. “*Қувайт, Саудия Арабистони, Эрон Ислом Республикаси, Ироқ*”, – деди. Мен унга: “*Булар шаҳар эмас, ҳаммаси мамлакат-ку!*” – деб ўтирмадим. Чунки у шаҳар билан мамлакатнинг фарқига борадиган даражада билим ёки ақл-фаросатга эга эмас эди. Шу қиз



ўткир бир йигитга турмушга чиқди. Орадан йиллар ўтиб, уларнинг мактабни битираётган боласини саволга тутдим. Амин бўлдимки, бунинг онг-тафаккури, билими, ақл-фаросати даражаси онасиникидан унчалар узоқ эмас.

Бола ўзини қизиқтирган ҳамма-ҳамма саволига аниқ-тиник жавоб олиши – шарт. Саволларига жавоб ололмадим, савол бермай қўяди. Савол бермай қўйдими, ақлий тараққиёт пастлай бошлайди. Бир ёшида олиши керак нарсани икки, икки ёшида олиши керак бўлган нарсани уч, уч ёшида олиши керак бўлган нарсани тўрт ёшида... олса, тенгдошларидан орқада қоладими? Умумий ўрта таълим мактабини битирган айрим болаларнинг дунёқараши ва билим савияси баъзан бешинчи синфни тугатган бола даражасида бўлмаслиги ҳам мумкинми? Жуда мумкин-да.

Назаримда, ҳар бир киши умрининг охирига қадар онаси (ёки она ўрнидаги аёл) берган тарбия билан яшайди. Шунинг учун жамият маънавияти, маърифати, ахлоқ-одоби – аввало, оналар маънавияти, маърифати, ахлоқ-одобига чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун жамият равнақи учн хотин-қизларнинг билим савиясини кўтариш, маърифатини ошириш, маънавиятини юксаклириш – ўта муҳим масала.

Илмда исботланганки, бола беш ёшигача умрининг охиригача оладиган жами ахборотнинг (демакки, ақлнинг) 70 фойизини олиб улгурар экан. Хўш, бола беш ёшига қадар онаси блина кўпроқ бўладими ёхуд отаси биланми? Албатта, онаси билан. Хўш, онада ахборот кўп бўлса бола кўпроқ ахборот оладими ёки кам бўлсами? Онанинг дунёқараши – тор, илми – паст, тушунчалари – тубан бўлса, бола қаердан ахборот олиб, ақлини ўстирсин?

Бу мулоҳазалардан оилада оталарнинг ёш авлодни вояга етказишдаги ўрни ва масъулияти камситиляпти ёки инкор этиляпти, деган хулосага бормаслик керак. Чунки ҳамма нарса жуфт қилиб яратилган. “*Эру хотин – қўш ҳўкиз*”, – мақолини бола тарбияси борасида ҳам қўллавериш мумкин.

Жамиятнинг сиёсати, иқтисодиёти ва маънавияти бўлади. Оиланинг ҳам. *Ота кўпроқ оиланинг сиёсати билан иқтисодиётини бошқарса, она унинг маънавиятига раҳбарлик қилади*, десак, тўғрироқ бўлар.

Бир ота академик лицейни битираётган ўғлига: “*Агар олий таълим муассасасига ўқишга кирсанг, машина олиб бераман*”, – дебди. Бола грантга кирибди. Отаси “Матиз” олиб берибди. Лекин ўша кундан кайфияти йўқ эмиш. Қандайдир аразлагандай, тушкун бўлиб қолибди, инжиқ очибди, бўлар-бўлмасга ота-онасига зарда қиладиган одат чиқарибди. Суриштира-суриштира сабабини топишибди. Бор-йўғи шартнома асосида ўқишга кирган ўртоғига отаси “Ласетти” олиб берган экан. Норозилиги шундан экан.

Бу оилада сиёсат тўғри олиб борилган. Бола ўқишга қизиқтирилган. Мукофот ҳам ваъда қилинган. Натижа ҳам яхши бўлган. Яъни унинг меҳнати муносиб рағбатлантирилган.

Бу оилада иқтисодиёт масаласи ҳам – жойида. Эндигина ўқишга кирган ўғилга автомобиль олиб бериш учун моддий имконият яратилган.

Аммо бу оилада маънавият тўғри изга қўйилмаган. Ҳаётда йиллар ишлаб, “Матиз”га етолмаётганлар – қанча. Болада катта ношукрлик бор. У

машинага, барибир, жуда осон эришган. Шунга ҳам рози эмас. Ҳаётни билмайди. Бундан ташқари, қалбида ҳасад ниш урган. Бу иллат вақтида йўқотилмаса, ёмон оқибатларга олиб келади. Ҳасад, аввало, ҳасадчининг ўзини ейди.

Камалакнинг ранги бир хил бўлмагани каби, оилаларимизнинг иқтисодий имкониятлари ҳам – ҳар хил. Биров – бой, биров – унчалар эмас. Оилаларимизнинг иқтисодий аҳволи қандай бўлишидан қатъи назар, ота-она бир нарсага жужда жиддий қарашга мажбур: ҳеч бир фарзанд ўксиб ўсмасин! Ана ўша ўқишга кирган куни “Матиз”га эга бўлган бой оиланинг боласида ўксиш бор. Қайсидир фарзанд унинг ёшида қаттиқ меҳнат қилиб, қўли калтароқ ота-онасининг қаватига кирган, оиланинг моддий аҳволини яхшилашга қатъий бел боғлаган. Лекин унда ўксиш йўқ. Кам таъминланган оилада ҳам болаларни ўкситмай ўстириш мумкин. Афсуски, бой оилада фарзанд ўксиб вояга етиши ҳам мумкин экан-да.

Ўзбек бекорга кўришганда биринчи бўлиб оила, бола-чақани сўрамас экан. Биз таниганларимизнинг оиласи билан ҳам қизиқамиз. Ҳаётни кўраверганинг сари оила билан боғлиқ масалалар ҳам ҳаддан зиёд кўп эканига амин бўлар экансан.

Эҳтимол, оила тарбиясида адабиётдан кучлироқ восита йўқдир ҳам?

“Адабиёт” сўзинининг ўзаги “адаб” эканми, бас, у туб моҳияти билан, аввало, комил одоб-ахлоқни, қолаверса, яхши хулқни тарғиб этиши керак. “Ахлоқ” сўзи билан “хулқ” калимаси бир ўзақдан ясалган, моҳиятан бир-бирига жуда яқин маъноларни англатади. Лекин тилимиз шундай нозик лисонки, “хулқ” деганда, асосан, шахснинг айнан оилавий масалалардаги юриш-туришини тушунамиз.

Адабиёт оила муқаддаслигини ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ тарғиб қилиши керак.

Шундай деб ўйлаганим учунми, ишқилиб, кейинги йиллар, негадир, оила масалаларининг у ёки бу жиҳатларини шеър қилиб ёзгим келаверади. Чунки шеър – ўта таъсирчан шакл. Одамларга қуруқ панд-насихат, ҳатто, сураю оят, ҳадису ҳикмат, мақолу матал ҳам қор қилмаётгандай туюлади баъзан. Амру маъруфларда атрофдагиларнинг кўзларига қараб, ичидагини ўқишга уриниб кўраман. Бугунги кишиларнинг кўпи диний тарғибни нари борса: “*Ҳа, энди бу бошқа бир даврда, эски замонда айтилган-да*”, – деб ўйлайди. Шу билан бу ўғитларни ўзидан, ўзини улардан соқит қилади. Айтилганларни юракдан ҳис этишни истамайди, баданига юқтирмайди, шуларга амал қилишим керак, деб ҳисобламайди. Назаримда, ҳар бир нарсани ҳозирги ҳаётга, шу бугунги одамларнинг ўзига чамбарчас боғлаб гапириш керак. Қаттиқ ботса ҳам. Кимгадир тегиб кетса ҳам. Ҳозирги ҳаётни, одамларни, уларнинг турмушини, жамиятдаги яхши ёки ёмон тамойилларни кузатиб, нимадир дегинг келади, албатта. Кўнгилда фақат шеърдагина айтиш мумкин бўлган фикр-мулоҳазалар, ҳис-туйғулар туғилади. Ичкаридаги “дегувчи” ана шунда: “*Де, де!*” – деб туради. Дейсан. Шундан “Волидайннома” деган бир туркум юзага келди.

Ғарбликларни маънавий таназзулга олиб борган, амалда оила муқаддаслигини ер билан яқсон қилган “*эркин муҳаббат*” ғояси бизга ҳам кириб келганига анча йиллар бўлган. Назаримда, шўро сиёсатининг паранжига қарши кураш кампанияси, динсизликни тарғиб қилиш халқимиз орасида хулқ тарбиясини асрий анъаналар ўзанидан бутунлай чиқариб юборди. Иккинчи жаҳон урушида эркакларнинг камайиб кетиши ҳам кўп-кўп маънавий муаммоларни келтириб чиқарди. Кейинги йилларда кўплаб йигитларимизнинг хорижга ишлаш учун кетаётгани яна қанча мураккабликлар пайдо қиляпти.

Оқибат нима бўлди?

50 ёшдаги отанинг фарзанди тенги қизга гап отишига кулибгина қараймиз. Бунга айрим қизларнинг ўзи ҳам мойил бўлиб қолаётгани – бундан ҳам ёмон.

Тошкентдаги олий таълим муассасаларидан бирининг кўчадаги ошхонасида чой ичиб ўтирибмиз. Орқа столдаги уч-тўрт талаба қизнинг ўзаро суҳбати кулоққа кириб турибди. Бирови иккинчисига айтган гапини эшитиб, бошим қотиб қолди:

– *Декан ўринбосарининг қизи билан бир гуруҳда ўқийман. Хонасига қизи билан кирганимда ўзини сипо тутади. Ёлғиз кирдимми, бўлди, ҳар гап гап отади ифлос. Бундай гап отгандан кўра бир-икки имтиҳонимни ётиб берсин!..*

Шарт орқамга ўгирилиб: “*Э қиз, бир-икки имтиҳонингни “ётиб берса”, у сени соғ қўядими?!*” – дегим келди. Лекин бундай қилмадим. Чунки шундай дейиш даражасида тубанлик ботқоғига ботган маънавиятсиз қизга бу гап таъсир қилармиди?

Баъзан биз – катталарнинг ўзимиз ёшларимизга ўртак бўлиш ўрнига, маънавиятсизликка эшик очиб беряпмиз. 1978 йил эди. Катта бир олий таълим муассасаси залида таниқли бир олимнинг 50 ёшлиги нишонланяпти. Таомилга кўра, юбилярнинг ёнида мамнун бўлиб хотини ҳам ўтирибди. Сўзга чиққанлар унинг ёстикдоши ҳақида айтаётган илиқ гаплардан хурсанд экани шундоққина юз-кўзида акс этиб турибди. Шунда вилоятларимизнинг биридан келган 35 ёшлардаги чиройли, келишган, ўта бийрон бир жувон сўзга чиқиб, устозини оғиз кўпиртириб мақтай кетди. Баландпарвоз нутқининг охирида:

– *Азизлар! Келинлар, Сизларнинг ҳузурларингизда мен устозимни битта ўнай!* – деди-да, шахдам қадамлар билан юбилярнинг рўпарасига бориб, бўйнига обдон осилганча юз-кўзидан чўлп-чўлп ўпди.

Олимнинг ёнида ўтирган хотинининг авзойи бузулди. Лабига кулги бормай қолди. Тантана унинг учун мотамга айланди. Уйда нима ҳолат кутаётганини ҳар қандай ўзбек тасаввур қилиб ўтирар эди.

Динимизда эри бор аёлнинг номаҳрам эркакни ўпиши у ёқда турсин, турмуш қуриш учун кўришаётган йигит-қизнинг қўл ушлашига ҳам рухсат берилмайди. Чунки қўл ушлашиш жинсий майл кўзғашини мумкин. Биринчидан, ҳали тўйгача анча бор. Иккинчидан, ҳали бу иккаласи ўртасида тўй бўладими-йўқми?

## СУЯНЧИҚЛАРИМИЗ

### Тарих ва бугун

Тарих – оқар сув. Сув эски замонларнинг кўп жихатлари – хусусиятларини ҳам ўзи билан бирга оқизиб кетади.

Байрамларга муносабат ҳам шундай.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Ўша кунлардаги ёш мамлакат олдида турган вазифаларни бир кўз олдимишга келтирайлик. Кўп ўтмай, 1992 йил бошланади. Янги давлат ўзининг байрамларга муносабатини, бу борадаги мустақил сиёсатини ҳам тезда тайин этиши, аниқлаштириб олиши керак эди. Бунинг учун етти ўлчаб, бир кесиш, собиқ байрамларнинг қайсиларидан батамом воз кечиш, қайсиларини қолдириш, қолдирганда унинг мазмун-моҳиятини қай тарзда ўзгартириб, ислоҳ қилиш масалаларини ҳал этиш жуда муҳим эди.

Янги йил байрам сифатида қолиши аниқ эди. Хўш, 8 март-чи?

8 мартни нишонлаш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у, асли, шўро мафкурасига хизмат қилдирилган бир байрам эди. Бу сананинг байрамга айланиши – бир томони, немис коммунист аёли Клара Цеткин номи билан ҳам боғлиқ.

Бироқ мустақил Ўзбекистонда уни ана шу шўро мафкураси таъсиридан мутлақ холи бир байрам тарзида нишонлаш мумкин-ку! Ахир, аҳолининг ярмидан кўпроғи(ҳозир 51,5 фоизи)ни хотин-қизлар ташкил этса. Халқимизнинг тийнатида (менталитетида) аёлларни эъзозлашдек юксак қадрият азалдан мавжуд бўлса. Фақат энди бу байрамни эски мафкура таъсиридан мутлақ мосуво бир ҳолатга келтириш лозим, вассалом.

Шундай қилинди ҳам.

Шўро бу санани халқаро байрам тарзида нишонлаган. Биз шу номдаги “халқаро” деган сўздан воз кечдик. Шу тариқа у ўзимизнинг байрамимиз бўлди-қолди. Чунки оналаримиз, аёлларимиз, опа-сингилларимизни, қизларимизни қадрлаш, махсус бир кунни уларни эъзозлаш байрамига айланттириш ҳар тарафлама демократик жамият барпо этишдек эзгу мақсадларимизга тўла мос келади.

### Ҳажми ёхуд она мулозамати

Ҳар қанча фан-техника ривожлангани, самолётлар ихтиро қилингани билан, бугун ҳамма ҳам ҳажга боравериш шароитига эга эмас. Аммо оналари ҳали ҳаёт диндошларимиз ҳозирча ҳажга боролмаганликлари учун кўп ҳам армон қилаверишмасин.

Нега дейсизми?

Чунки...

Навоийнинг Абдурахмон Жомий, Фаридиддин Аттор тазкираларидан таржималар ва айрим тўлдиришлар асосида яратилган “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” отлиқ тазкира китобларида бир ибратли воқеа баёни борки, уни эсга олиб қўйиш фойдадан холи бўлмас...

Навоий шайх ул-ислом Абдуллоҳ Ансорийга таяниб, мана бундай ҳикоя қиладилар:

*“Исмоил Даббос дедиким: “Ҳаж ният қилиб, борурда Шерозга етишим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўъминни кўрдумки, ўлтуруб, хирқасини (тўнини) ямайду эрди. Салом қилдим ва ўлтурдим. Мендан сўрадиким:*

*– Не ниятинг бор?*

*Дедим:*

*– Ҳаж ниятим бор.*

*Деди:*

*– Онанг бор?*

*Дедим:*

*– Бор.*

*Деди:*

*– Ёниб (орқага қайтиб), анинг мулозаматиға (хизматиға) бор. Бу сўз манга хуш келмас эрди. Деди:*

*– Тўлғонасен?.. Мен эллик ҳаж қилибмен – бош яланг, оёқ яланг ва зоду (ёлғизу) ҳамроҳсиз. Борчасини сенга бердим. Сен онанг кўнглининг шодлигини манга бер!”*

...Изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Аллоҳга етишиш фалсафасини теран англаган буюк сўфий Шайх Мўъмин Шерозийнинг – умрида эллик бор (бу – айтишгагина осон!) “бош яланг, оёқ яланг, ёлғизу ҳамроҳсиз” ҳаж қилган бир зотнинг ана шу жамики ҳажлари савобини она кўнглининг шодлигига алмаштиришга тайёр тургани замирида олам-олам маъно ётибди!

Биз ана шундай миллий тарбиявий манбаларимиз, гўзал удумларимиздан айри тушганимиз учун бугун миллатдошларимиз орасида баъзан онасини ҳақорат қилганларни, волидасига бир коса овқатни ҳам раво кўрмайдиганларни, ҳатто, онайи зорига мушт кўтарган ё пичок ўқталганларни ҳам учратамиз.

Илоҳо, энди булар тарих бўлиб қолсин!..

### **Онанинг юксак мақоми**

Ҳазрат Абдурахмон Жомий жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қирқта муборак ҳадислари, жумладан: “*Жаннат оналарнинг оёғи остидадур*”, – деган ҳадисларини ҳам форсийда шеърга солганларида ва уни пиру устозларидан руҳсат сўраб, ҳазрат Алишер Навоий туркийга ўтказганларида нафақат Расулуллоҳ руҳи поклари, балки бир йўла

волидаи мухтарамалари рухларидан ҳам шодлик умидвори бўлган бўлсалар, ажаб эмас.

Бу муборак калом Навоий қаламлари кучи билан тилимизда мана бундай жаранглайди:

*Оналарнинг аёғи остидадур  
Равзайи жаннату жинон боғи.  
Равза боғи висолин истар эсанг,  
Бўл онанинг аёғи туфроғи.*

Хуллас, ҳаётликларида чоғида оналаримизнинг оёқлари гардини кўзларимизга ҳар қанча тўтиё қилиб суртсак ҳам – кам!

### **Аёллар таърифи**

Алишер Навоийни Худо ўзбекнинг айтиладиган ҳамма гапини дунёга айтиб кетиш учун яратган. Буни муболага деб тушунманг.

Қайси мавзу, қандай масала бўлмасин, шоир ижодига мурожаат қилсангиз, нимадир, кўпинча ўта муҳим жавобни топасиз.

### **Жамиятнинг юзи**

Бутун дунёда жамият тараққиётининг даражасига хотин-қизларга муносабатга қараб белгилаш одати бор. Бу бежиз эмас, албатта.

Хотин-қизлар мамлакатимизда аҳолининг 51,5 фоизини ташкил этади. Халқимизда аёл зотини улуғлашнинг аср-асрлик мўътабар анъаналари шаклланган. Мустақиллик йилларида жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини янада кучайтириш, уларнинг саломатлигини таъминлаш, уларга таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши, меҳнат қилиши, бахтли яшаши, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаши учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб беришга қаратилган изчил давлат сиёсати олиб бориляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Ислон Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда мустақиллик йилларида аёллар масаласида 80 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сон фармони мамлакатимизда аёлларга муносабатнинг янги бир даражага кўтарилишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сон, “2009 – 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола

туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2009 йил 1 июлдаги ПҚ-1144-сон қарорлари ижросини таъминлаш борасида кўп эзгу иш қилинди. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари хузурида ишчи комиссиялар ташкил этилган ва улар қошида махсус жамоатчилик кенгашлари ва ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳаётимизнинг ҳеч бир жабҳасини аёлларсиз, уларнинг иштирокисиз, улар учун яратилган ашрт-шароитларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун дунёда “турмуш” деганда, аввало, оиладаги ҳаёт тушунилади. Ҳатто, “оила” сўзи билан “аёл” сўзининг ўзаги – бир. Шунингу чун эски тилимиздаги “аҳли аёл” бирикмаси айнан бугунги “оила аъзолари” деган маънони ифодалайди. Шундай экан, турмушимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида ҳаётимизни фаровон этиш ҳозирги даврнинг энг вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Жамият тараққий эта боргани сайин аёлларнинг ўрни ва мавқеи ошиб борапти. Мамлакатимизда сайловларда депутатликка номзод аёллар учун 30 фоизли квота белгиланган. Мавжуд сиёсий партияларимизда “Аёллар қаноти” фаолият олиб боради.

Мақсадмиз мамлакатимизни тезроқ ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш экан, бу эзгу мақсаднинг нечоғли амалга ошиши – жамиятда хотин-қизларга муносабат маданиятининг юксалишига ҳам бевосита боғлиқ. Зеро аёл маънавияти миллат маънавиятининг ўзагини ташкил этади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида айнан соғлом она ва соғлом бола сиёсати юритилляпти. Натижада бизда оналар ўлими ҳам, болалар ўлими ҳам кескин камайишига эришилди. Бу – айтишгагина осон иш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизда туғиш ёшидаги ҳар бир аёл ҳам, дунёга келган ҳар бир чақалоқ ҳам тиббий назоратда. Очиғини айтганда, соғлом она ва соғлом бола сиёсати замирида сон учун эмас, сифат учун кураш амалга ошириляпти. Ахир, мамлакатга ҳар тарафлама етук, соғлом кадрлар керак.

Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда тиббиёт соҳасини замон талаблари даражасига кўтариш масаласини жиддий таҳлил этиб, бу борада кўплаб ташаббусларни ҳаётга татбиқ этаётгани замирида, аввало, хотин-қизлар саломатлиги масаласи ҳам ётибди. Чунки оналар саломатлиги – миллат саломатлиги дегани. Соғлом бола соғлом онадангина туғилади.

Болаларимизнинг маънавий баркамоллиги ҳам кўп томондан айнан аёлларга боғлиқ. Биринчидан, болаларимиз уйда, асосан, оналар тарбияси остида ўсиб-улғаяди. Иккинчидан, мактабгача тарбия муассасаларида ҳам хотин-қизлар ишлашади. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей

ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг катта қисмини аёлларимиз ташкил этади. Ҳатто, олий таълим муассасаларида ҳам хотин-қизларнинг сони кам эмас.

Ўзбекистонимизда ҳар йили Хотин-қизлар кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, аввало, аёлларга муносабат амалда жамиятимизнинг юзи эканини намоён этади, қолаверса, ҳаммамизнинг елкамизга янги-янги масъулиятлар юклайди.

Суянчиқларимиз ҳамиша омон бўлишсин!



## ДУО УСТУНМИ Ё “ОМИН”? (Отага муносиб ўғил ҳикояси)

Ота...

Қисқагина бу сўз ҳар биримиз учун қанчалар катта маъно ва мазмун касб этишини кўп ҳам ўйлаб ўтирмаймиз. Аслида эса, тарих ривоят қиладиган Одам Атою яна айрим пайғамбарларимизни демаса, оддий инсонларнинг ҳеч бири отасиз туғилмайди. Тақдир тақозоси билан отасиз вояга етиб, оёққа туриш, мустақил ҳаётни йўлга қўйиш, қиз бўлсин, ўғил бўлсин – фарзанд учун нечоғли азоб-уқубат билан амалга ошиши ўша одамнинг ўзигаю биргина Аллоҳгагина маълум. Демак, ҳар қандай жамият тараққиёти учун оталик бурчи – бағоят масъул ва ниҳоятда муҳим масала.

Фарзанднинг ҳаммаси ҳам ота деявермас-у, лекин аксар оталар бу дунёнинг моҳиятини фарзанд учун елиб-югуриш деб тушунадилар. Халқ бекорга ҳикматона қилиб: *“Бир ота ўн фарзандини боқади-ю, ўн фарзанд бир отани боқолмайди”*, – демайди. Тарих бунга ҳам нақл топган: ахир, падаримиз – Одам Атонинг оталари бўлмаган, фақат фарзанд деб яшаганлар, кишида отапарастликдан кўра фарзандпарастликнинг кучли бўлиши бизга шу мўътабар зотдан мерос бўлиб қолган экан!

Бугина эмас. Йиллар, асрлар, минг йилликлар мобайнида халқ ота-ўғил муносабатлари бўйича кўп қадим ва бой тажриба тўплаган. Шарқ халқлари, жумладан, ўзбеклар ҳам айнан ана шу ота-ўғил муносабатлари бўйича ҳам дунёдаги бошқа кўп миллатлардан ажралиб туради.

Бироқ бешафқат XX аср бизни худди шу ота-ўғил муносабатлари, хусусан, отанинг ўғилни тарбиялаши билан боғлиқ қадим бой меросимиздан чандон йироқ тушган халққа ҳам айлантирди. Бой отасини *“синф сифатида тугатиш”* учун қўлига қурол олиб жангга кирган *“пролетар ўғил”*лар кам чиқдими, дейсиз? Янги тузум кўп нарсани барбод қилиб ташлади. Касблар йўқолди, отадан ҳунар ўрганиш анъаналари бой бериб қўйилди, хусусий таълим-тарбиядек жаҳон тамаддуни эришган ютуқ ҳам улоқтириб юборилди. Отанинг илму маърифати ўғилга ўтмайдиган бўлиб қолди...

Биргина тасаввуфни олинг. Биласиз, тасаввуф – поклик йўли, руҳни Аллоҳга етар даражада камол топтириш амалий фалсафаси эди. Авлиёларимиз ҳаётини ёритишга бағишланган маноқибу мақомотлар, тасаввуф тарихига оид бошқа талай манбаларда шайхларимизнинг ўғилларига қанчалар тарбиятлар берганларини ўқиб, ҳавас қиласиз. Ота камолоти фарзандга ўтиб, янада баландроқ поғоналарга кўтарила

борилаверган. Кўп шайхлар мурид тарбия қилишни, аввало, ўз ўғилларидан бошлаганлар.

*Тарбия, тарбия...* деймиз. Лекин: “*Тарбиями – бирламчи?*” – дейдиганлар жуда кўп. Рост: инкубаторда очирилган жўжача, умрида ота-онасини кўрмаган бўлса ҳам, тухумдан чиқиши биланоқ товуклигини қилаверади, оппоққина идишга солингаи тозагина кепакни оёқлари билан тита-тита, ҳамма ёққа соча-соча ейди...

Албатта, инсонда туғма истеъдод белгилари бўлмаса, ундан улуғ одам чиқиши амри маҳол. Бироқ буюклик аломати билан дунёга келган болани фақат ва фақат тарбия ва яна тарбия йўли билангина улуғлик пиллапоялари сари йўллаш мумкин. Авлиёларимиз тарихида ёш инсон шахс сифатида шаклланиб бўлганидан кейингина унга мустақил равишда ўзини камолга етқаришига рухсат берилган. Чунки тасаввуфда ҳеч бир суфий қай бир пирга мурид тушмай иш кўриши мумкин эмас. Муридлик эса то пир берган тарбиясию билимини етарли деб ҳисоблагунгача давом этади.

Бунда сир – кўп.

Баъзилар бола ўз-ўзидан камол касб этиб кетаверади, уни ёшлигида ўз эркига қўйиш керак, ҳозирча болалик гаштини суриб қолсин, деб ҳисоблайди. Йўқ! Боланинг ҳар куни, ҳар соати, ҳар қадами тарбиячи назоратида бўлиши шарт. Лекин буни боланинг эрklarини бўғиш, унинг болалик гаштини суришига йўл қўймаслик деб тушунмаслик лозим.

Ривоят қилишларича, бир болани ота-онаси Абу Али ибн Синонинг хузурига олиб бориб, унга: “*Фарзандимизга тарбия беришни қачон бошлайлик?*” – деб мурожаат қилибди. Шунда буюк олим: “*Болангиз неча кунлик бўлди?*” – деб сўрабди. “*Уч кунлик*”, – дебди ота-онаси. “*Эҳ, афсус, – деган экан шунда Ибн Сино, – фарзандларингизга тарбия беришга уч кун кечикибсизлар-ку!*”

Бу лоф эмас, ҳақиқат. Ҳатто, ҳозирги пайтда баъзи олимлар: “*Бола тарбияси кўп аввалдан, аниқроғи, ота-онанинг ўзини тарбиялашдан бошланади, чунки жисмонан ва маънан етук ота-онадангина соғлом авлод дунёга келади*”, – деб ҳам ҳисоблайди.

Улуғ авлиёуллоҳ – ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги мақолаю китобларда кўп ўқиган бўлсангиз керак, ул зотни чақалоқлик пайтларида боболари замонасининг машҳур авлиёси – Муҳаммад Бобойи Самосий хузурларига олиб борган эдилар. Шунда Муҳаммад Бобойи Самосий чақалоқни фарзандликка қабул қилиб, унинг тарбиясини муридлари, яъни шогирдлари – Амир Кулолга топширган, ана шу топшириқни бажармасанг, икки дунё сендан рози бўлмайман, қабилда таъкид ҳам қилган эдилар.

Мана, натижани кўринг, ана шу тарбия Баҳоуддин Нақшбанд мисолида бутун башарият тарихида қандай буюк мева берди.

Ота-ўғил муносабатлари кеча ё бугун пайдо бўлган муаммо эмас. Тарих ота-ўғил муносабатларининг жуда олий комиллик даражаларини ҳам, ўта тубанлик ҳолатларини ҳам кўп кўрган. Европа илми, хусусан, Зигмунд Фрейднинг рухий таҳлил, яъни “психоанализ” назариясига кўра, ота билан ўғил ўртасида табиий равишда ўзаро жиддий қарама-қаршилик бўлиши – аниқ.

Ғарб ҳаёт тарзи худди ана шу ҳолатнинг кўпроқ юзага чиқиши билан ажралиб туради. Бироқ Шарқ – Шарқ-да.

Шарқ, хусусан, мусулмон олами худди ана шу масалада ҳам Ғарбдан тамом фарқ қилади.

Хўш, исломий Шарқ ота-ўғил ўртасидаги ана шу табиий зиддиятни билмасми эди? Айниқса, бошдан-оёқ рух, яъни маънавият тарбияси билан машғул бўлган тасаввуф бундан беҳабармиди?

Албатта, тасаввуф бу борада Зигмунд Фрейд даражасида муайян илмий хулосалар баён этмаган. Бундай махсус назария ҳам яратмаган. Зигмунд Фрейд назарияси – инсон руҳиятини тадқиқ этишда Европа илми эришган ютуқ. Лекин, ахир, тасаввуф туб моҳияти билан нафақат ота-ўғил ўртасидаги нохуш муносабатлар, балки, одамда намоён бўлиши мумкин жамики иллатлар, барча ноинсоний, яъни ҳайвоний хусусиятларни йўқотишга, ўзлик-худбинлик, худпарастлик билан боғлиқ барча-барча камчиликларни тузатишга, беайб, пок комил инсон даражасига кўтарилишга қаратилмаганми эди?

Бутун ижоди моҳиятан тасаввуф руҳида бўлган улуғ Алишер Навоийнинг ўз даври ҳукмдорлари – темурий мирзолар ўртасида ўзаро қирпичоқ муносабатлар, хусусан, ота-ўғил ўртасидаги низоларнинг олдини олиш учун кўп ўринларда айнан ана шу тасаввуф тарихидан, шайхларнинг намунали ҳаётларидан мисоллар келтириши бежиз эмас эди.

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг йигирманчи мақолати Султон Ҳусайн Мирзонинг катта ўғли – Султон Бадиуззамон Баҳодирга насиҳат тарзида битилган. Тарихдан биламизки, Султон Ҳусайн билан Бадиуззамон ўртасидаги муносабатлар жуда кескин эди. Суюкли ўғли – бегуноҳ йигитча – Мўмин Мирзонинг ўз бобоси – Султон Ҳусайннинг ғафлатда чеккан имзоси билан қатл этилиши Бадиуззамонни ўз отасининг ашаддий душманига айлантди.

Навоий ана ўша Бадиуззамонга насиҳатдан кейин бир ажиб ҳикоят келтиради. Бу ҳикоят Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси, яъни ўринбосари – Хожа Муҳаммад Порсо билан унинг ўғли – Хожа Абу Наср ўртасидаги ота-ўғиллик муносабати ҳақида.

Шайх Хожа Муҳаммад Порсо ўғиллари – Абу Наср билан ҳажга борадилар. Маккайи мукаррамада тумонат халойиқ дуо қилишни айнан ана шу улуғ нақшбандий авлиёдан илтимос қилади. Лекин Муҳаммад Порсо Маккада дуо қилишдек ўта шарафли ишни ўғилларига юклайдилар. Ҳамма хайрон: хўш, нега, ахир?

*“Чунки, – дейдилар улуғ пир, – мен ҳажга раҳбарсиз – ўзим йўл излаб, машаққатлар билан йўл топиб, адашиб-нетиб етиб келдим. Менда сафар мобайнида адашиб кетмаслик хавотири бор эди. Мақсад Ҳаққа етиш бўлса ҳам, хаёлимнинг бир чеккаси доимо йўл излаш билан банд эди. Ўғлим эса ҳажга пири, яъни мен билан келди. Унинг йўл хавфу хатаридан мутлақо хавотири йўқ эди. Шунинг учун у ўзини батамом Ҳаққа берди, яъни у сафар жараёнида ҳам руҳини Ҳаққа етказиш билан машғул бўлаверди. Шунинг учун унинг дуоси кўпроқ ижобат бўлса керак, деб ўйлайман. Менинг машаққатларим, менинг парвариши қилишларим туфайли ўғлим кўпроқ камол касб этди”:*

*Бўлди менинг ишим анга парвариши,  
Парваришимдин анга иш қилмоқ иш.*

*Йўл итари мени ҳаросон қилиб,  
Йўлни ҳаросим анга осон қилиб.*

*Менда хавотирдин ўлуб юз футур,  
Анда сулук ичра шуҳуду ҳузур.*

Ота-ку дуо қилишни ўғлига топширди. *“Хўш, ўғил нима қилди?”* – дерсиз? Албатта, амри падар – вожиб. Ўғил йиғлай-йиғлай дуо учун кўл очди, шунча халойиқ – ҳожилар номидан улуғ-улуғ муножотлар айтди. Дуо қилиб бўлингач, ота йиғи аралаш баланд овозда: *“Илоҳий, омин!..”* – деди. Ана шунда ўғил ҳам ота тарбиясини олганлигини, шундай улуғ отага лойиқ фарзанд эканини эл, олдида намоён этди. Ўғил сўнгги бор яна дуога кўл очиб: *“Агар мен дуони эплай олмаган бўлсам, ҳеч бўлмаганда, отажонимнинг оминларини ижобат қилиб, инобатга оларсан, эй Аллоҳ!”* – деди.

Шу ҳикоят баҳона шоир энди бевосита Султон Ҳусайн Мирзонинг ўғилларига насиҳат қилишга ўтади:

*Ё Раб, ул омину дуо ҳурмати,  
Ё у ўғул бирла ато ҳурмати, –  
Ким бу ато бирла ўғулни мудом,  
Давлату дин тахтида тут мустадом.*

*Ўзга ўғулларни ҳам эт муҳтарам,  
Анга – ўғул, мунга – иниларни ҳам*

Навоий Бадиуззамонни, Султон Ҳусайннинг бошқа ўғилларини оталарини ана ўша авлиёнинг ўғли каби ҳурматлашга чакиради, укаларни эса акалари – Бадиуззамонни ота ўрнида кўришга даъват этади.

Буюк шоир темурийлар салтанати айна ана шу тахт таллашиб, ота-ўғил, ака-ука муносабатлари фоже бир ҳолга келиб қолганини, демакки, халқ, миллат, мамлакат ҳалокат ёқасига яқинлашаётганини ҳис қилмаслиги, сезмаслиги, олдиндан кўрмаслиги мумкин эмас эди. Бу дард ҳаммадан кўпроқ бу шамс ул-миллатимизни қаттиқ изтиробга солар эди.

Агар ҳар бир оилада ота-ўғил муносабатлари юксак инсоний маданият даражасига кўтарилмас экан, *отанинг ҳам, ўғилнинг ҳам, хонадондаги бошқа аъзоларнинг ҳам ҳаётида ҳаловат йўқ*, деяверинг.

Бу – ҳаётнинг жиддий масалаларидан бири. Бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Агар ота маърифатли бўлса, ўғлини болалигидан жиддий тарбия йўли билан вояга етказа олса, ўйлаймизки, ҳаётда ҳамма ҳавас қиладиган ота-ўғил муносабатларига эришиш мумкин.

Ота – ўғил олдида ҳаддан ташқари бурчдор. Лекин бу, *фарзанднинг камоли учун ҳамма ишни ота қилиб бериши керак*, дегани эмас. Мутлақо.

Бошқа бир жиҳат ҳам бор. Худо умр берса ва имкони топилса, ота ўғил олдидаги бурчларини бажариб улгуриши мумкин. Аммо ўғил – ота олдида шу қадар бурчдорки, унга юз йил яшаш насиб этса ҳам, бу бурчини, *бажариб адо қилдим*, деб ҳисоблашга ҳаққи йўқ.

Яна бир гап. Ҳеч қачон фарзанднинг ота аҳволини ҳисобга олмай туриб ундан ноўрин нимадир тама қилишига йўл қўйиб бўлмайди. Отанинг ўғилдан норози бўлишидан кўра, ўғилнинг отадан домангир бўлиб қолиши – осонроқ. Чунки кўпинча ёш кишининг ҳаёт ҳақида, унинг машаққатларию мураккабликлари хусусида, энг муҳими, отанинг имкониятлари тўғрисида тасаввурлари ҳамиша ҳам мавжуд воқеликка мос бўлавермайди. Энг хавfli нарса – фарзанднинг ота имкониятлари ёки унинг ўғли олдидаги бурчларини керагидан ортиқ баҳолашида. Ана шу ғайри тасаввур, албаттаки, натижа кутади. Бир кун келиб ўша натижа амалга ошмагач, ўғил сабабини имкониятдан эмас, кўпроқ отасидан кўради. Бу эса отани бағоят оғир аҳволга солади. Ўғил эса асоссиз равишда отадан ранжийди.

Баъзилар бола-чақани қандай ва қаердан боқаётганини ўғил-қизларидан сир тутати. Бунга ҳам турли-туман сабаблар бор, албатта.

Асосий сабаб шуки, истайсизми-истамайсизми, қонунлардан ҳам, эътиқодлардан ҳам устун турадиган бир умумий мезон мавжуд. Бу – ҳар бир отанинг ўзигагина маълум бўлган бола-чақасини ўйлаб уйига олиб келаётгани ризқнинг ҳалол ё ҳаром йўл билан топилаётгани масаласи. Очиғини айтганда, ҳаромхўрлиги билан мақтанишни ҳамма ҳам истайвермайди. Чунки ҳаромни дин ҳам қоралайди, қонун ҳам ман этади. Кўпчилик эса, топар-гутарининг ҳаромлигини юз фоиз билса ҳам, уни бошқалар, хусусан, фарзандларига ҳалолга йўйиб тушунтиришни жуда яхиш кўради.

Баъзилар қаердан бола-чақа боқаётганларини ўғил-қизларига билдиришни, *миннат қилиши бўлади*, деб ҳисоблайди. Йўқ! Фарзанд, хусусан, ўғил, улғайгани сари, отасининг қандай кун кўраётганини билиб, ўрганиб, имкони бўлса, ана шу ишга кўмаклашиб бориши керак. Шунда ўғил ота меҳнатининг кадрига етадиган бўлади. Ундан ҳам керакли томони шуки, ўғилнинг ўзи ҳам оддийгина ҳаёт кечириб ҳам амалда тинимсиз меҳнат қилишни тақозо этишини онг-тафаккурига сингдириб боради. Эшитишимизча, ривожланган хорижий мамлакатларда кўп миллионерлар ўғилларига ҳаётни, меҳнатни ўргатиш учун уни заводларининг энг қора ишида ишлатишдан бошлар экан...

Ахир, кўп инсонлар бахтсизлигининг асосий сабабларидан бири айнан ана шу дангасалик, меҳнат қилмай кун кўришни пайдан бўлиш оқибати эмасми?! Одам ҳам Аллоҳ яратган бир жонзот эканми, у ҳам ризқ-рўз учун жон куйдиришга мажбур. Қушларни олинг. Тонг отмасидан улар уйғоқ. Кунни бўйи учиб-елиб, ўзига ризқ излайди. Бир кун дангасалик қилсин-чи, аҳволи нима кечар экан?!

Одам боласи эса – ақлли жонзот. Ақллилиги учун ҳам у барча жонзотларнинг сарвари. Лекин худди ана шу ақл баъзилар, эҳтимолки, жуда кўпчилик онгида тинимсиз ишламай тишлашнинг йўллари излаш кайфиятини пайдо қилган. Жамиятдаги аксар қарама-қаршиликлар, жуда кўп ижтимоий муаммоларни айнан шу кайфият келтириб чиқараётган бўлса ҳам, ажаб эмас.

Ҳозир меҳнатга лаёқатсиз ёшларнинг кўпайиб кетгани нимадан? Қисман – фарзандларнинг оталари топгани орқасидан кун кўришга ўрганиб қолганидан. Лекин, ахир, кишини қачонгача отаси боқиши мумкин?

*Ўн саккиз-йигирма йилнинг ўтиши қийинми*, дейсиз?! Ана-мана дегунча ўғил йигит бўлади: қадду қомаги келишган, бўйи – бўйингизга баравар... Лекин, қай кўз билан кўрингки, шундай меҳнаткаш отанинг боласи ҳаётнинг бирон-бир эҳтиёжига ярамайди: икки қўл – чўнтакда, тумшукда – сигарет, қулоғида – гўшак, на бирон касбнинг этагини тутган, на бирон ҳунарнинг. *“Берсанг – ейман, бўлмаса – йўқ!”* – деб ўтирибди. Ана шунда ота пешонага бир уради: афсус, энди жуда кеч бўлган.

Абу Али ибн Синога олиб келинган чақалоқнинг ота-онаси-ку уч кунгина кечиккан эди, бироқ энди ўн саккиз-йигирма йиллик кечикишни қандай тузатасиз?

Бу фақат ўғилнинггина айби эмас.

Демак, отанинг ўғли олдидаги энг муҳим бурчлари сирасига, биринчидан, унга меҳнат қилишни ўргатиш, иккинчидан, ишламай тишлаш кайфияти авж олиб кетишига йўл қўймаслик бўлса керак.

Хуллас, оталик бурчи кишига кўп улугъ масъулиятлар юклайди. Моҳиятидан келиб чиқилса, аниқ бўладики, бу – фақат ўғил эмас, аслида, бутун юрт ва жамият олдидаги юксак масъулият.

## ОИЛА ВА КИТОБХОНЛИК

Қишлоғимиздаги энг серфарзанд, энг китоби кўп оилада туғилганман. Онам ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси, отам идора ходими эдилар.

Биринчи синфга борганимда акам 4-синфга ўтган эдилар. Онамиз: *“Иккинчи боламиз ҳам мактабга боряпти, эрта-индин булар ёнига кичкиналар қўшилаверади, буларга алоҳида дарсхона қилиб берасиз”*, – деб туриб олганлар. Дадамиз учун бу *“хукми хотин – вожиб”* бўлган.

Бухоронинг анъанавий уйсозлигида *“нешга(ҳ) мадон”* (*“ичкари даҳлиз”*) деган хона бўларди. Унга, одатда, катта (*“етти болор”*) уй орқали кириларди. Ўшанга ташқаридан эшик, дераза ўрнатиб, бизга пол-потолокли алоҳида дарсхона қилиб беришган. Биз уни *“кутубхона”* дердик. Чунки онамизнинг ўтган аср 30-йилларидан бери йиғиб борган барча китоблари ҳам шу ердан жой олган эди. Онамизга ва яна уч ўқувчига мўлжаллаб стол-стул кўйилганди. Қишларда, худди мактабдагидек, навбатчилик қилиб, галмагалдан пол ювар, ўтин-кўмир солиб, печка ёқар, 6-синфга ўтганимга қадар лампа чироқ шишасини хўл дока билан артиб, тозалар эдик. Чунки 6-синфгача керосин ёқиладиган лампа чироқда дарс тайёрлаганмиз. Шунинг учун бўлса керак, имло хатога йўл қўёлмаймиз. Бир кўзимиз телевизорда, бир кўзимиз китоб-дафтарда бўлиб савод чиқармаганмизки, бир жумлада беш-олтита хато қилсак.

Оиламизда ҳафтасига 6 кун дарс тайёрлаш мажбурий қилиб кўйилган эди. Фақат бир кунга – ё шанба, ё якшанбагина дам олишга рухсат бор эди, холос.

Электр чироғи келганидан кейин ота-онамиз кечки овқатдан сўнг ўқувчиларни *“кутубхона”*га чиқариб юбориш учун ўзлари ҳам телевизор кўрмас эдилар.

Аввало, дарсликларни кўп ўқиганмиз. Дарслик – энг зўр китоб. Кимки дарсликни пухта ўзлаштирмай туриб мактабни битирса, билингки, у умр бўйи чаласавод бўлиб қолади.

Онамиз икки хил тартиб билан дарс тайёрлашга ўргатган эдилар.

Биринчи қоида шу эдики, ҳар куни бугун ўтилган барча фанлар бўйича уй вазифасини бажариб, кейинги дарсга олдиндан тайёр бўлиб туриш керак. Шунда дарс тайёрлаш охирида эртага бўладиган фанлар бўйича китоб-дафтарни сумкага солиб қўясан, тамом (Айтмоқчи, бошланғич синфларда ўқиганимизда папка қаёқда эди, дейсиз? Ҳамма онаси тикиб берган халта кўтариб борар эди мактабга).

Иккинчи усулда эса бугун нима фан ўтилганидан қатъи назар, унга тайёрланишни кейинги сафарга қолдириб, фақат эртага бўладиган фанлар бўйича дарс тайёрлайсан, яъни уйга вазифа бажарасан.

Иккинчи усулда баъзан ўтилган дарсни икки-уч кундан кейин эслаш кийинроқ кечар эди. Ҳатто, баъзи мураккаброқ туюлган фанларни – бугун,

осонроқ туюлганларини – эртага дарс бўладиган куни кечкурун тайёрлар эдик.

Натижа нима бўлди?

9 фарзанддан 5 нафари мактабни олтин медаль билан тугатди. Шундан уч нафари медаль берган имтиёздан фойдаланган ҳолда, яъни бир фандангина имтиҳон топшириб, олий таълим муассасасига кирди. Саккиз ўғил, бир қиз – ҳаммамиз Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида ўқиб, турли касб эгалари бўлдик. 3 бола олий таълим муассасасини имтиёзли диплом билан тугатди. 2 фарзанд илмий даража олиш учун диссертация ёқлади. 3 фарзанд ўзи китоблар ёзиб, чоп эттирди.

Мактаб йилларида қанча китоб мутолаа қилган бўлсам, шунча газета ва журнал ҳам ўқиганман. Айрим болалар китобхонроқ бўлади, очиғи, камина кўпроқ газетхонроқ эдим. Почтачи қишлоғимизга пешиндан кейин соат 3 ларда келар эди. Ҳовлимиз ҳовуз бўйида. Ҳовузнинг супасидаги соя жойга шолча ёйиб, устига кўрпача ташлаб, бир китобни ўқиган бўлиб, почтальонни кутиб ётардим. Қишлоқда ҳеч ким Зоҳир тоғага менчалик интизор бўлмас, эҳтимол, у кишини менчалик кадрламас ҳам эди. Камина ҳар гал у кишидан сюрприз, яъни келтирган газеталарининг бирортасида юборган қайсидир мақолам чиққан бўлишини кутардим. Чунки 10-синфни тугаллагунимга қадар 6 газетада жами 187 мақолам босилган-да. 15 ёшимда, яъни 8-синфни тугаллаб, ёзги таътил маҳали маош олиб, туман газетаси таҳририятида ҳам ишлаганман.

Ҳозирги Ўзбекистон миллий университетининг Журналистика факультетига кириш учун ҳам иншодан, ҳам ўзбек тили ва адабиёти бўйича Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Фатҳиддин Насриддинов, Анвар Каримов домлалардан “аъло” баҳо олганимда ота-онамдан, мактабда таълим берган муаллимларимдан қанча миннатдор бўлган бўлсам, ўқиган китобларим, газета ва журналлардан ҳам ўзимни шунча қарздор ҳис этганман.

Онам-ку ҳарфларни мактабга борганимча ўргатган эдилар. Биринчи синфда “Алифбо”ни тугаллашимиз билан мактабимиз кутубхонасига аъзо бўлиб, бадий китоблар олиб, ўқий бошлаганман. Биринчи китобим Самуэль Маршакнинг милиционер Стёпа амаки ҳақидаги расмли, катта-катта ҳарфлар билан чиққан шеърӣ асари эди. Ўқийвериб, ёдлаб олганман.

Ўшанда мактабимизнинг, энди ўйласам, кичкинагина кутубхонаси кўзимга катта хазина бўлиб кўринган. Чунки у ерда, барибир, уйимиздагига қараганда китоб жуда кўп эди-да. Яна бир бахтимиз – қишлоғимиз дала шийпонида колхоз (жамоа хўжалиги) кутубхонаси жойлашган эди. Ёздириб, олиб келасан, ўқиб бўлиб, қайтариб элтиб берасан.

Бухоронинг қиши қаттикроқ келади. Шундай совуқ кунларда ётиб олиб китоб ўқирдик. “Ғунча”, “Гулхан”, “Шарқ юлдузи”, “Фан ва турмуш” журналларининг ҳамма сони уйимизга келиб турган.

7-синфда Миркарим Осимнинг “Зулмат ичра нур” китобини ўқиб, шу асосда саҳна кўриниши кўйганмиз. Навоий ролини ўйнаганман.



Томошабинлар овозимдангина таниб қолишган. Ким билади, Журналистика факультетини битириб, навоийшуносликка қизиқиб кетишга шу дастлабки туртки бўлганмикин?

Университетнинг 4-босқич талабаси бўлган пайтимизда пахта терими мавсумида пешингача ўртгача килограмни териб қўйиб, тушдан кейин жўякларда ётиб олиб, Жек Лондоннинг “Мартин Иден”ини ўқиганман. Жаҳон адабиётида ижодкор тимсоли бундан зўр қилиб яратилган бошқа асарни билмайман. Шу китобдан бир умрга қарздорман...

Уйимизда китоблар жавонларга сиғмай кетаётгани учун бир қисмини ертўлага тушириб қўйишга мажбур бўлаётганимиздан ҳам билингки, тинимсиз янги китоб оляпмиз. Навоий бобо одамни “*олдига келганни емакдан, оғзига келганни демак*”дан қайтарадилар, лекин қўлга тушган китобни, ҳеч бўлмаса, бир сидра варақламаслик – гуноҳ.

Янги китобларга уч жиҳатдан – сони, нашр сифати ва мазмунига кўра баҳо бериш мумкин. Кейинги йилларда кутилмаган даражада кўп китоб нашр этилаётгани кишини чексиз қувонтиради. Одамлар сотиб оляптики, чиқариляпти-да. Нашр сифати ҳам муттасил яхшиланиб, замон талабларига мослашиб боряпти. Аммо мазмун-чи? Умрида китоб ёзишни тушида ҳам кўрмаган баъзи бировлар китоб ёзиш “касал”ига мубтало бўлаётгани яхши эмас. Китобни ким ёзса – ёзсин, лекин нашриётлар умумий бир профессионал даражани қаттиқ туриб талаб қилиши керак-ку.

Китоб чоп этишда нашр одоби бўлиши лозим. Афсуски, баъзи китоблар муқоваси саҳифаларида муаллифнинг бештагача расми босилганига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Айрим асарларни муаллиф ҳақида бир неча кишининг мақоласини қўшиб чиқариш расм бўлиб боряпти. Қаламкашни расми ёки у ҳақда бошқалар билдирган мақтовлар эмас, яратган асарининг ўзи машҳур қилади.

Ҳар ҳолда, китоб бозори қизий бошлади. Камина 20 – 30 йилдан бери ўзимга ҳамкасб бўлган ўғилларимни: “*Ҳали кўрасизлар, китоб ёзиш катта бизнес бўлиб қолади*”, – деб ишонтириб келаман. Бу кўпроқ ўзимга далда бериш, неча йиллар мобайнида эгалланган тайёр касбни бозор иқтисодиёти таъсирида қўлдан чиқариб қўймаслик илинжини ҳам ифодаласа, ажаб эмас.

Китоб ўқишни одам мактаб ёшида ўрганмаса, кейин ҳеч қачон ўргана олмайди. Бу фикр ҳеч қандай изохга муҳтож бўлмаса керак. Лекин қўшимчам бор. Мактабда, кейинчалик, ҳатто, ўзбек адабиёти давлат дастури асосида мажбуран ўқитиладиган факультетлар талабаларига энг буюк соҳиби қаламимиз бўлмиш Алишер Навоийнинг, лоақал, “Фарҳод ва Ширин” достонини ўзқитолмаяпмиз. Тили мураккаблигини баҳона қилишади. 1993, 1995, 1997 йиллари 10-синф учун “Ўзбек адабиёти” мажмуасида достонни ихчамлаб, қисқарган жойлари мазмунини ҳозирги тилда ифодалаб, киритдик. Зўр-зўр байтларнинг ўзи берилиб, ҳаволада мураккаб сўзлар луғати тақдим этилди. Шунинг ҳам кўп ўқувчилар ўқимади. Ўқитувчилар орасида ҳам, лоақал, шу қисқарган матнни мутолаа қилмаганлар – қанча.

Адабиётшуноснинг бир умр қайта-қайта ўқиладиган китоблари бўлади. Чунки адабий асарлар – бу касб эгалари учун асосий хомашё. Камина қайси

китобларни кўп ўқиганини айтайми? “Фарҳод ва Ширин” достонининг русча, тоожикча ва озарбойжонча таржималари юзасидан номзодлик диссертацияси ёқлаганман, “Лисон ут-тайр” тадқиқотиға бағишлаб китоблар чиқарганман. Буларнинг ёниға яна Навоийнинг тасаввуф вакиллари ҳақидаги “Насойим ул-муҳаббат мин шамоийим ул-футувват” тазкираси билан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сини кўшиш керак. Очиғи, халқимиз тарихи ҳақида “Бобурнома”дан сермазмунроқ асар кўрмаганман, унинг ҳар саҳифасида бир китоб мазмун бор. Бу тўрт китобнинг чизилмаган, белги қўйилмаган, матн атрофига фикр-мулоҳаза ёзилмаган бети қолмаган. Улар ёниға икки жилдлик “Ўзбек халқ мақоллари”ни ҳам санаш лозим. Шоир ҳам, ёзувчи ҳам ўзбек тилида ёзишни аввал халқ мақолларидан ўрганиши керак. Халқнинг илини ҳам, аввало, мақол баён этади.

Уйимиздаги энг мўътабар китоблар – луғатлар. Луғатни ҳеч ким бирровға ўқиш учун бермайди. Ундан фойдаланаман деган киши, албатта, ўзи сотиб олиши керак. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 5 жилдлиги, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” 4 жилдлиги, “Фарҳанги забони тожикий” (“Тожиқ тилининг изоҳли луғати”) 2 жилдлиги доимо қўлга яқин ерда турадиган, деярли ҳар куни титкиланадиган китобларим бўлса, ажаб эмас. Қаламкашнинг асосий қуроли – сўз. Аҳли адабнинг сўзда хато қилиши амалда унинг ҳар тарафлама адашганини билдиради. Сўзда чалғимаслик учун луғатға суянмай, нимаға суянасан?!

Илм-фан, техника-технология, ишлаб чиқариш ривожланган мамлакатларда одамлар: “Ўқимасам, ўламан”, – деб ўйлайди. Чунки ўқимаган киши ҳаётда орқада қолади, аниқроғи, кучли рақобат майдонида нонини топиб еёлмайди. “Куч – билим ва тафаккурда” (Ислом Каримов) деган шиорни баъзилар тилда кўп бор ишлатади. Уни турли таълим муассасаларининг кўзға кўринадиган жойларига ёзиб ҳам қўйганмиз. Лекин камдан-кам киши бунинг туб моҳиятида: “Бугун қайси мамлакат халқи биздан яхшироқ яшайтган бўлса, у илмда биздан кўра илгарилаб кетган”, – деган аниқ-тиник масала ётганини англаб этади.

Бу гаплар ҳаводан олиб айтилайтгани йўқ. “Ватанпарвар” газетасининг шу йил 17 март сониде Д. Рўзиева тайёрлаган “Китоб ўқишнинг фойдаси” сарлавҳали материалда мана бу жумлаларни ўқиймиз: “*Статистика маълумотларига кўра, умуман, китоб ўқимайдиган инсонларнинг 43 фоизи қашшоқликда яшаркан. Саводли инсонлар орасида эса қашшоқликда яшайдиганлар 4 фоизни ташкил этади*”.

Бизда эса, неғадир: “Ўқисам, ўламан”, – деганға ўхшаш дангасалик, бепарволик, танбаллик, борингки, кўрқувға ўхшаш иллат бор. Эҳтимол, бу, ўқимай туриб ҳам яхши яшаш мумкин-ку, деган қараш мавжудлигидан бўлса керак. Қачонки кўп ўқиган одам бой яшайдиган жамият юзаға келса, ҳамма ёппасиға ўқишға интилиб қолади, деб ўйлайман.

Бир муҳбир: “Сиз кўп ўқиган 10 та китобнинг номини санаб берсангиз”, – деб қолди. Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”даги 4 девони, “Хамса”сидаги 5 достон ва “Лисон ут-тайр”нинг ўзи 10 та бўлади-ку.

Келинг, майли, бу рўйхатни қайта тузайлик: “Ўзбек халқ мақоллари” мукаммал мажмуаси, “Алпомиш” достони, Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”и билан “Фарҳод ва Ширин”и, “Бобурнома”, Машраб девони, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи, Абдулла Орипов шеърляти ва Эркин Воҳидов лирикаси...

Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”и билан Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”ини бир-бирига қиёслаб, нечанчи бора қайта ўқияпман.

Ҳар қандай китобнинг бош мақсади бўлади. Ўқидикми, уни топиб олишимиз керак. Бунинг учун асарнинг мағзини чақиш лозим.

Ҳозирги Ўзбекистон миллий университети Журналистика факультетига кириш учун ўзбек тили ва адабиётидан оғзаки имтиҳон топширяпман. Раҳматли Анвар Каримов домла “5” баҳога даъвогар сифатида каминани шу фан бўйича комиссия раиси Озод Шарафиддинов суҳбатларига олиб бордилар. Манзилим сўралди. Туман марказида ёки қишлоқда яшашимни аниқлаштириб олдилар. Мақсад қишлоқда китоб магазини борми-йўқлигини билиб олиш экан. Туман марказида биттагина китоб дўкони борлигини айтдим. Кейин у ердан қайси хорижий ёзувчининг қандай китобини сотиб олиб, ўқиганим сўралди. Камина Соҳиб Жамолнинг “Чиннигул” романини ўқиганимни айтдим. Домла романнинг бош ғоясини сўрадилар.

17 ёшли абитуриентнинг ўша пайтдаги жавоби ҳамон кечагидек ёдимда. У тахминан шу мазмунда эди: *“Французлар араб мамлакатини босиб олади. Босқинчилар вакиллари билан бири бу юртда оиласи аъзолари билан кўчиб келади. Унинг бир чиройли қизи бўлади. Араблар бир ёш йигит бошчилигида миллий озодлик ҳаракати бошлайди. Уларнинг мақсади – босқинчиларни она юртдан қувиб чиқаришдан иборат. Ана шу йигит анави француз қизни, қиз ҳам уни севиб қолади. Муҳаббатнинг кучи билан қиз йигитнинг дардига дардманд бўлиб қолади. Отасига: “Биз – французлар бу юртдан ўз ихтиёримиз билан чиқиб кетишимиз керак. Биз ноқонуний тарзда мустамлакачилик билан шугулланяпмиз. Бу мамлакат – арабларники. Адолат – улар тарафда”, – дейди...”*

Университетга имтиёзли тарзда киришимга қисман шу жавобим ҳам асос бўлгани – аниқ. Энди ўйласам, ўша шўро мустамлакаси замонларида ҳам таржимонларимиз ички миллий дардларимизни, ана шундай бошқа тиллардаги адабий асарларни ўгириш орқали бўлса ҳам, халққа айтишнинг йўллари топишган экан.

Хуллас, мамлакатимизда китобхонликни кучайтирмасдан туриб ҳаёт даражасини юксалтириш мумкинлигига асло ишонмайман. Китобхонликни эса ёшлиқдан шакллантириш зарур. Чунки китоб ўқиш ҳам катта меҳнат талаб қилади, у ҳам малака талаб қилади. Шу маънода таълим тизимида ўқиётган ёшларимизга айтар сўзим бор. Биринчидан, уларнинг қўлларидаги дарсликларини пишиқ-пухта ўзлаштиришларини истар эдим (Сирни ошкор қилсам, 8-синф учун “Адабиёт” дарслик-мажмуаси тузувчилари бириманда). Иккинчидан, мактаб ёшида бадиий адабиёт ўқимаганларни комил инсон қилиб тарбияланган ҳисоблаб бўлмаса керак. Учинчидан, ҳар ким ўзи

қизиққан соҳасига доир, келажакда қайси касбни танлашига қараб китоб топиб ўқиши, ўқиганда ҳам, тушуниб, уқиб, моҳиятига етиб мутолаа қилиши лозим. Буюк хитой файласуфи Конфуций: *“Фикрламай ўқийдиган янглишади. Ўқишни истамай фикрлайдиган қийналади”*<sup>1</sup>, – деб ёзган.

Битта китобни “ҳазм қилиб” ўқиш – юзта китобни чала-чулпа варақлагандан минг чандон афзал.

Келинг, бугун бирор-бир китобни қўлга олиб, уни ипидан-игнасигача ўзлаштиришга киришайлик.

Бир китобни ҳалол-покиза ўқиб, уққан, мағзини обдон чаққан киши мазахўрак бўлиб қолади. Эртадан янги китоб излаб қолади. Бунга ишонаверинг.

---

<sup>1</sup>“Болаларни ўргатинг...” – “Водий гавҳари”, 2016 йил, 10-сон, 46-бет.

## ВОЛИДАЙННОМА

*Одам умрининг охиригача ота-онасидан  
олган тарбия билан яшайди.*

### БАНДАЛИК ВА БАНДИЛИК

*Тўлғонаман, тўлғонаман,  
Машираб каби чулғонаман:  
Мен на фаришта, на малак,  
На бандаликдан тонаман.*

*Тўлғонаман, тўлғонаман,  
Гўё Самандар – ёнаман,  
Қор қилмагай, Қор кимсадек  
На муз-совуққа қонаман.*

*Тўлғонаман, тўлғонаман,  
Тонг отмаси уйғонаман.  
Ҳам куч тилаб, қувват топиб,  
Минг ишга ҳам шайлонаман.*

*Тўлғонаман, тўлғонаман,  
Гоҳи, шукур, шодлонаман.  
Ўтган кунимга ҳайф деб,  
Тун бўйи гоҳ гамхонаман.*

*Тўлғонаман, тўлғонаман,  
Гоҳ худ-у, гоҳ девонаман.  
Минг бир муаммони ечиб,  
Бир ишда кўп ҳайронаман.*

*Тўлғонаман, тўлғонаман,  
Бот-бот куйиб, доғлонаман.  
Шундай Яратганни қўйиб,  
Бир бандага боғлонаман.*

2002.16.01.

## БЎЛАЖАК КЕЛИНИМГА

*Қизалоқнинг бошин силаб, суймадим,  
Ота бўлиб қиз меҳрини туймадим.*

*Кел, келиним, ўғлим кўнглин қул айла,  
Қизи йўқ бир хонадонни гул айла.*

*Опасиз шу укасига она бўл –  
Тикилмаган кўрпасига қопа бўл.*

*Ойижонинг кўнгли ярим – дилхаста,  
Қўйни билан кўнжсига бўл гулдаста.*

*Камина-ку унча иззатталабмас,  
Хуштаъм таом, сўнг аччиқ чой бўлса – бас.*

2002.24.06, 2009.24.08.

## МАҒЛУБИЯТ

### Болаларимнинг онасига

*Булутлардан булутларга учдим-у,  
Баланд тоғлар товонимга тегмади;  
Етти қават осмонини қучдим-у,  
Ой, юлдузга кўнгил бўйин эгмади –  
Нега сенга енгилгина енгилдим?!*

*Қуёш қанча зарлар тўкди – боқмадим,  
Кўк булутдан рўмол тортди юзига;  
Тиллолардан юлдуз тутди – тоқмадим,  
Шунда чак-чак ёшлар келди кўзига –  
Нега сенга енгилгина енгилдим?!*

*Кейин не-не фаришталар юборди –  
Ой кўмиру Қуёш гўё кон бўлди;  
Билмам, лойим гурур қўшибми қорди,  
Ҳаётимда на бир жонон жон бўлди –  
Нега сенга енгилгина енгилдим?!*

2002.11.07.

## ЎЗБЕКНИНГ ХОТИНИ

*Кўп “дипломат” эдилар  
Отам раҳматли.*

*“Баракалла, Сизга, –  
Дебдилар келинларига. –  
Шундай инжиқ эр билан  
Яшаб келасиз...”*

*Кувонибди хотин,  
Дилдан, юракдан:  
“Қаранг, қандай  
Мен яхши одам...”*

*Кўп “дипломат” эдилар  
Қайнотам раҳматли.*

*“Эринг яхши одам! –  
Дебдилар қизларига. –  
Сендай инжиқ хотин билан  
Яшаб келади...”*

*Кувонибди хотин,  
Дилдан, юракдан:  
“Қаранг, хотиниман  
Қандай яхши одамнинг...”*

2003.07.03.

## ҒОЛИБЛАР

*“Енгдинг, – деди ота ўғилга, –  
Ўттиз йиллик турмушдан кейин.  
Келин сени тушунди охир  
Шунча суриш-суришдан кейин...”*

*“Енгдинг, – деди ота қизига, –  
Ўттиз йиллик турмушдан кейин.  
Кужёв сени тушунди охир  
Шунча суриш-суришдан кейин...”*

2003.28.07.

**БАХТ**

**Ўзбекистон Республикаси фан  
арбоби, профессор Тўра МИРЗАЕВга**

*“Ўғлим!” – деб чорласа, шамолдек елсанг,  
Маккадан бўлса ҳам, Бухоро келсанг,  
Отанг ҳаёт экан, жаннат ҳар онинг –  
Қаришига ҳаққи йўқ Тўра Мирзонинг!*

*Етмишида бўлса ҳам, фарзанд фарзанд-да,  
Мирзо бобо учун азиз, арзанда,  
Отанг ҳаёт экан, қўлда имконинг –  
Қаришига ҳаққи йўқ Тўра Мирзонинг!*

*Ярим асрдирки, уй – тўла қувонч,  
Меҳрга ўранган бокира ишонч,  
Отанг ҳаёт экан, бахти Раънонинг –  
Қаришига ҳаққи йўқ Тўра Мирзонинг!*

*Жонида, қонида миллат яшаса,  
Луқма ҳалол бўлса, қувса васваса,  
Отанг ҳаёт экан<sup>2</sup>, тоза иймонинг –  
Қаришига ҳаққи йўқ Тўра Мирзонинг!*

*Сўзлари – мисли ўқ, кўзлари тўқдир,  
Хаёлида гўё душмани йўқдир,  
Биллурдек покиза юраги онинг –  
Қаришига ҳаққи йўқ Тўра Мирзонинг!*

*Унинг кўчасидан ўтмаса риё,  
Замонга қарасанг, гўё авлиё,  
Улуғлар руҳидан кўпирса қонинг –  
Қаришига ҳаққи йўқ Тўра Мирзонинг!*

*Қалбида илмдан бир қаср қурса,  
Алпомиш юртида у ҳам от сурса,  
Дуо қилса отанг, Ўзбекистонинг –  
Қаришига ҳаққи йўқ Тўра Мирзонинг!*

2003.10.10, 2006.05.03.

---

<sup>2</sup>Профессор Тўра Мирзаев 70 ёшга тўлганида (2006 йили) отаси – Мирзо бобо ҳали ҳаёт эди.



## БОЛАЛАРИМНИНГ ОНАСИГА

*Хаёлимдан чиқмас, этар мудом банд,  
Ўлим ҳақдир, ҳожат йўқ ҳеч фарёдга,  
Сен ҳам эдинг отам, онамга фарзанд,  
Бирин-бирин олай уларни ёдга.*

*Тақдир ила шунча йил ҳамхонамиз,  
Ҳар кун – бизга Ҳақнинг бир анжумани.  
Одинада жон берай деб онамиз,  
Саксон йилда кутди тўрт минг жумани.*

*Ўз лойимни эзгуликка қорай деб,  
Элга хизмат бўлди унга тамойил –  
Қадр туни охир макон борай деб,  
Отам рўза ойин кутди саксон йил.*

*Жонда жону тан бўлса гар шу танда,  
Эл-юрт учун бахи айласак Ҳотамдай.  
Сен онамдай она бўлдинг Ватанда,  
Мен Ватанни севолсайдим отамдай.*

2007.02.08, 2008.17.01.

## ОТА МАСЛАҲАТИ

*Баланд дорга осилма,  
Сен ҳаётни кўр, кузат.  
Оёгингни, жон ўғлим,  
Кўрпангга қараб узат.*

*Куюшни қўй, куйдирар,  
Чиқармагин бир чақин.  
Ойни олиб бераман,  
Ерга, асли, Ой – яқин.*

2008.12.01.

## МЕЗБОНЛИК

**Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonларида Шайх Санъон тарсо (христиан) қизга ошиқ бўлади.**

*Сен, эй тантиқ тарсо қиз, қотилмадинг,  
Шайх Санъонни назарингга илмадинг,  
Шундай ошиқ шиқига отилмадинг,  
Мезбонликнинг қоидасин қилмадинг,  
Сенга қандай меҳмон келди – билмадинг.*

*Сени Оллоҳ ҳуснига восил тутди,  
Ишиқинг деб Шайх ўзни буткул унутди,  
Ислom қолиб, насронийликка ўтди,  
Шартларингни бажo айлаб, кўп кутди,  
Сенга қандай меҳмон келди – билмадинг.*

*Қиз болани халқ, палахмон тоши, дер,  
Тошдан бўлсин борган ерда боши, дер,  
Томoгига тиқилмасинг оши, дер,  
Садқа бўлсин уйига кўз-қоши, дер,  
Сенга қандай меҳмон келди – билмадинг.*

*Ширин ердан аримайди арилар,  
Совчиларни Худодан дер қарилар,  
“Омин!” – десин фаришталар, парилар,  
Адашма, қиз, Шайтонни қув нарилар,  
Сенга қандай меҳмон келди – билмадинг.*

*Бундай кезлар осмон – баланд, дунё – тор,  
Уни десанг кўнгил қўймас, буни – ор,  
Адашма, қиз, юрма кўп безътибор,  
Даъвогарлар ичра асл шайхинг бор,  
Сенга қандай меҳмон келди – билмадинг.*

2008.06 – 07.11.

## ҚАДР

*Сенга фарзанд ато этган  
Ет аёлинг қадрига.*

*Бармоқларин кўзингга бос,  
Пешонангга – кафтини.*

*Навниҳолинг келажаги  
Сенга боғлиқ, унга ҳам.  
Таъмин айла дилбандингнинг  
Рафторию рафтини.*

*Яратганнинг қудратин кўр  
Кўзларида, қошида.  
Сенга бунча ўхшатмаса  
Қоматию афтини!*

*Қанча севсанг, аёлинг сев,  
Ширин сўзинг аяма.  
Ҳис этасан шунда ҳаёт  
Завқи, шавқи, тафтини...*

2009.15.10.

### **“ОНАМ – ЯХШИЛАР”**

Жияним Мироншоҳга

*Ўйнаб юрганида ҳовлида дуркун,  
Набирамдан сўрадим бир кун:  
“Бувилардан қай бири яхши?”  
Деди дарҳол: “Онам – яхшилар”.*

*Қариларни сўраган эдим,  
Онасини ёш кўрди, дедим:  
“Аммангми ё аммачанг яхши?”  
Деди дарҳол: “Онам – яхшилар”.*

*Дарров қилиб ишим жуфту тоқ,  
Билдим она уруг яқинроқ:  
“Холангми ё холачанг яхши?”  
Деди дарҳол: “Онам – яхшилар”.*

*Гапни бурдим сўнг болаларга,  
Навбат келди гул-лолаларга:  
“Опангми ё опачанг яхши?”  
Деди дарҳол: “Онам – яхшилар”.*

2010.21.06.

## БЕШИКДАГИ ҚЎҒИРЧОҚ

### Бир укамга

*Гулдай келин тушди, бу уйда  
Тўққиз йилча қолиб кетди.*

*Ўзинию ёстиқдошини  
Ўйлай-ўйлай, толиб кетди.*

*Меҳри билан бу хонадоннинг  
Кўнглига ўт солиб кетди.*

*Пешонага ёзган тақдирдан,  
Йиғлай-йиғлай, нолиб кетди.*

*Бир тирноққа зор бўлиб шунча,  
Талабгору толиб кетди.*

*Эрини деб, ўзини енгиб,  
Мағлуб эмас, голиб кетди.*

*Қўғирчоқни бешикка белаб,  
Кўч-кўронин олиб кетди.*

*...У бешикка қўғирчоқнимас,  
Уч ўғилни солиб кетди.*

2012.22.12.

## ЮРТ СОҒИНЧИ

Қудам – Бахтиёр Раҳимовга

*Онаси хурсанд занг урган ўғилдан,  
Россиядан сўраб аҳвол кўнгиладан,  
Жийда юборишни уқтирар дилдан.  
Эслаб кўрса, ҳеч ҳам жийда демасди,  
Болаликдан асло жийда емасди.*

*“Юртнинг ҳар кесаги кўринар тилло,  
Сигир туғдимми, – дер, – онажон, илло?  
Юборинг, хўп, менга қурут бир кило”.*  
Эслаб кўрса, ҳеч ҳам қурут демасди,  
Болаликдан асло қурут емасди.

*“Сариқ сигир сути берган сариёғ,  
Куйдирганда байрам бўлар ҳамма ёқ,  
Жўнатсангиз дурдасидан, – дер, – озроқ”.*  
Эслаб кўрса, ҳеч ҳам дурда демасди,  
Болаликдан асло дурда емасди...

*Сўрар бу йил қандай бўлганин қантак,  
“Эриб кетар, – дейди, – оғизда қанддак,  
Юборинг, – дер, – шундан, онажон, андак”.*  
Эслаб кўрса, ҳеч ҳам туршак демасди,  
Болаликдан асло туршак емасди.

*Сўнг суҳбатда эсга тушади тандир,  
Таърифланар тоза бухорча патир:  
“Бир тишлами бутун баданга татир...”*  
Эслаб кўрса, ҳеч ҳам патир демасди,  
Болаликдан асло патир емасди.

*Қиш охирлаб, мана, келди навбаҳор,  
Ёзги неъматларга ҳали анча бор,  
Қовунқоқи сўрар ўгил интизор.*  
Эслаб кўрса, ҳеч ҳам қоқи демасди,  
Болаликдан асло қоқи емасди...

2013.17.02.

## **ОНАСИНИ КЎРИБ ҚИЗ ОЛИШ**

*“Болам, – деди бобо неварасига, –  
Мана, бинойидек чўзилди бўйинг.  
Умрга вафо йўқ, биз ҳам – ганимат,  
Кўзим очигида қилайлик тўйинг.*

*Кўп инжиқ бўлмагин, кўп ҳам танлама,  
Таваккал қилгин-у, Худога солгин.  
Ўзини кўришига уялсанг агар,*

*Онасини кўр-у, қизини олгин...”*

*“Тўғри , – деди ота, – мен каби, болам,  
Онасини кўр-у, қизини олгин.  
Онамни кўрсатди лекин онанг ҳам,  
У ёгини энди Худога солгин...”*

2013.26.12.

## СОВЧИ

*Отам эл ичида обрўйли эди,  
Совчи бўлар эди ҳормаю толмай.  
Қайга борса, албатта, охир  
Рози бўлишарди юздан ўтолмай.*

*Кунлар келди – ўғиллари улгайган,  
Қайга борса, бадтар илиқ кутдилар.  
Жавобга келганда, қизиқ, қўлига  
Рўмол<sup>3</sup> эмас, қуруқ “узр” тутдилар.*

*Хуноб бўлди сабабини билолмай,  
Отам отасига маслаҳат солди.  
– Биров учун совчиликка бормайди,  
Ўғли борлар, – деган жавобни олди.*

*Шу-шу қайтиб совчи бўлмади отам,  
Икки тақдир лойин қўшиб қормади.  
Токи ўғиллари уйлангунча у  
Биров учун совчиликка бормади.*

*Орада ўғиллар бари уйланди,  
Замонлар эврилди анчаю мунча.  
Совчилик бошлайман деса, бу ёшлар  
Аҳдлашиб қўйяпти совчи боргунча.*

2014.18.01.

## ШАЙТОН

*Ошиқ кўнгли билан*

---

<sup>3</sup>Бухорода совчиларга розилик аломати сифатида рўмол бериб юборилади.

*Ўйнашди Шайтон.  
Ўзини паридек  
Кўрсатиб ҳар он.*

*Кундузи сочини  
Силатиб унга,  
Бошқанинг қўйинини  
Кўзлади тунга.*

*Тонгда кузатганча  
Ўтиб жазманин,  
Севги хатлар битди  
Ошиққа тайин.*

*Кўрганлар бор уни,  
Ростини айтсам,  
Бошқалар қўлтиқлаб  
Юрганини ҳам.*

*Бу гапни ошиққа  
Қандай айтасан?  
Гапингни олмаса,  
Кейин қайтасан<sup>4</sup>?*

*Насиҳат ўтмагай,  
Урган кўнгилдан.  
Қайтариб бўлмайдим  
Уни бу йўлдан.*

*Шайтонни билади  
Фаришта мисол.  
Орзуси – шу билан  
Абадий висол.*

*Бир эрмак Шайтонга  
Бу боқир йигит.  
У билмас ёрига  
Текканин не ит.*

*Шайтоннинг аъмоли,  
Нияти – бежо.  
Тавқи лаънат – унинг  
Гарданида жо.*

---

<sup>4</sup>Қайтасан – “қандай қиласан?”, “нима қиласан?” маъносида.

– Шунинг ҳам хаёлин  
 Чулгасам, – дейди.  
 – Йигит пок туйғусин  
 Булгасам, – дейди.

Дарди – олса тортиб,  
 Сийпалаб кафтни,  
 Бокира бир қизга  
 Аталган тафтни.

– Юлдузман! – дер, ёлгон,  
 Бўлма кўнгли тўқ.  
 Кўк тугул, унга Ер  
 Қаърида жой йўқ.

Эй йигит! Қўлингни  
 Чин ёрга ўптир.  
 Билиб қўй, қизларнинг  
 Шайтони кўндир.

2014.20.02.

## **НОМАХРАМА<sup>5</sup> КЎНГЛИ**

Номахрамага ҳеч тик боқма, ўғлим,  
 Эркаклар кўзининг қуввати – ёмон.  
 Агар Шайтон аралашса, мабодо,  
 Аёл кўнглин бузар, балки, ногаҳон.

2014.27.03.

## **ИЧИККАН<sup>6</sup> ҚИЗЧАЛАР**

Ўксиб-ўксиб йиғлайди қизча,  
 Юпатади бир дугонаси.

---

<sup>5</sup>Номахрама – ҳарамга тегишли бўлмаган хотин-қиз. Эр киши учун никоҳ раво бўлган хотин-қизлар номахрама ҳисобланади. Завжияси, онаси, опа-синглиси, холаси, аммаси, бувиси маҳрама бўлади.

<sup>6</sup>Ичикмоқ – кучли даражада кўришиш, етишиш иштиёқида бўлмоқ, муштоқ бўлмоқ; болаларнинг ота-онасини ўта кўмсаб, бетоб бўлиши.



*“Созинган, – дер, – яқинларини,  
Россияда ота-онаси”.*

*Юпатаман мен ҳам қўшилиб,  
Узатаман қаймоқли музлар.  
Овунади фаришта янглиз,  
Ёришади бу мурғак юзлар.*

*“Улар қачон келади?” – дейман,  
Дугонани мен гапга солиб.*

*“Билмайман, – дер, – уларни”.*

*Аmmo...*

*Йиглай бошлар ўзи. Тин олиб:*

*“Қишига қараб отаму онам  
Келиб, қурар уй анов қирга.  
Яшаймиз, – дер, – шундан сўнг доим  
Отам, онам, акам, мен бирга...”*

*Сўраб билсам, ичиккан, дардин  
Кўтаролмас катта одамлар.  
“Магаданга кетганлар онам,  
Самарага, – дейди, – отамлар...”*

2014.29.03.

## **ЗАҲРОСОЙ**

### **I**

*Эл таниган полвон йигит,  
Ёр танлашда шошиб қолди.  
Сойдан нари қишлоқлик ул  
Захро қизга оғиз солди.*

*Заҳросойни суярди кўп,  
Шиддатидан куч оларди.  
Салом бериб унга, сўнгра  
Рақибидан ўч оларди.*

*Суриштириб ўтирмади,  
Аввал қизнинг исми ёқди.  
Чиройига учди унинг,  
Юзларига тўйиб боқди.*

Бир ёстиққа қўйшиди бош,  
Умр ўтар эди равон.  
Худо икки фарзанд берди,  
Бир – Ойжамол, бир – Паҳлавон.

Тез оқар шу сой бўйига  
Шинамгина уй солишиди.  
Соврин узра соврин келди,  
Ҳатто, мошин ҳам олишиди.

Мамнун эди йигит, шодон,  
Бахти сойга сизмас эди.  
Ичмас эди, бу бахтидан  
Ҳар куни у бир маст эди.

Бир куни у жанозага  
Борар бўлди эл қатори.  
Дўппи кияр бўлди шунда  
Бу – миллатнинг гурур-ори.

Буклаб қўйган дўппи ичра  
Букланган бир мактуб топди.  
Юлиб олиб, келин уни  
Шу заҳот сой томон чопди.

Ўқий олди йигит фақат:  
“Жоним Заҳром!” – деган сўзин.  
Сой бу хатни кетди ютиб,  
Йўқотди-ку йигит ўзин.

– Ким? – деб сўрди, дарди унинг  
Рақибини билмоқ эди.  
– Айтмайман ҳеч, – деди хотин, –  
Севги – кўнгил иши, – деди.

Кураги Ер кўрмас эди,  
Илк бор полвон мағлуб бўлди.  
Осмон келиб Ерга тушди,  
Жисми – тирик, руҳи ўлди.

## II

Уч кундирки, тил тутилган,  
Қолган гўё гунг бўлиб.  
Уч кундирки, сўрида  
Ёлғиз ётар мунг бўлиб.

*Шарқирайди сой ҳамон,  
Устидан бир кулгандай.  
Ўшқирар у гўё полвон  
Юрагини юлгандай.*

*Буткул кўнгли қолди, оҳ,  
Сир ютар бу сойдан ҳам.  
Кўйнидаги доғ тушган  
Захро деган Ойдан ҳам.*

*Захросойнинг бу захри,  
Ўлдирмоққа етмасми?  
Бошин олиб энди у  
Ўзга юртга кетмасми?*

*Ишлаб келиб, сўнг қураб  
Тоғ ортида янги уй.  
Уйланар, сўнг янграгай  
Янги қўшиқ, янги куй.*

*Қаттиқ ботар ёстиқ ҳам,  
Бошин ҳар ён ташилар у.  
Хаёлида бугундан,  
Янги уйда яшар у.*

2014.19.04.

## **ЧИМИЛДИҚ ЙИҒИСИ**

*Хайр энди, яқинлару ёронлар,  
Хайр энди, эркин ўтган у онлар.*

*Ёнгоқ шохин макон тутган аргимчоқ,  
Учиб-учиб олар бўлдим келган чоқ.*

*Бир кўнгил деб кетар бўлди қизингиз,  
Узоқ ерга етар бўлди қизингиз.*

*Ҳисобламанг мени ўзга сари деб,  
Чиққан қизни чиғириқдан нари деб.*

*Қандай Сизсиз ўтар куним, отажон,  
Қандай чидар айрилиққа нозик жон?*

*Тўйингиз кун, она, қандай елгансиз,  
Онангизни қандай ташлаб келгансиз?*

*Қандай чидар менсиз тандир кулчалар,  
Сиз узганда кулиб турган гулчалар?*

*Бўйдор укам, сенга таскин берайин,  
Жойимга жой келин келар – бу тайин.*

*Жажжжи синглим, атиргулим, яхиши қол,  
Унутмагин, ҳар кун мени ёдга ол.*

*Палахмоннинг тоши экан қиз бола,  
Бир йигитнинг қоши экан қиз бола.*

*Қўшилишиб йиғламагин, сингилжон,  
Юрагимни тигламагин, сингилжон.*

*Гали келар, сен ҳам бир кун йиғларсан,  
Ҳаммамизнинг юрагимиз тигларсан.*

*Тўйи кунни йиғлаш қизга бир орми,  
Чимилдиқда йиғламаган қиз борми?*

2014.25.08.

## **ҲУШЁРЛИК КАЙФИ**

**Таниқли фольклоршунос, устоз  
Омонулла МАДАЕВга<sup>7</sup>**

*Ўн еттида ёш эдим,  
Озгина бебош эдим.*

*Ҳаётга ўч, тинмасдим,  
Каттадан тортинмасдим.*

*Бир отахон бор эди,  
Хоҳ ёмғир, хоҳ қор эди*

---

<sup>7</sup>Омонулла Мадаев – 1942 йилнинг 20 майида туғилган. Филология фанлари номзоди, Ўзбекистон миллий университети ҳамда Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти доценти, “Дўстлик” ордени соҳиби.

*Эшонгузар йўлида,  
Тутиб носвой қўлида*

*Ҳар куни нос сотарди,  
Фикримча, нос отарди.*

*“Дода! – дедим бир куни,  
Мен гапга тутиб уни.*

*– Носвой хўб кайф берарми,  
Ароқ кўп кайф берарми?”*

*Дер: “Сотсам ҳам эрта-кеч,  
Нос отмадим ўзим ҳеч.*

*Ароқ таъмин тотмадим,  
Бу гуноҳга ботмадим.*

*Аммо айтай билганим,  
Не хулоса қилганим:*

*Узумдан тойфи – яхши,  
Хушёрлик кайфи – яхши”.*

2014.01.10.

## **ЗУРРИЁТ**

### **Орифжонга**

*Тилак Жўра ўлган эмас, ўгли – Орифжон  
Қўриқлайди китоблари – қўраларини.  
Бухорода – жисми, руҳи доим – Тошкентда,  
Зурриёти сўраб турар жўраларини.*

2015.21.02.

## **ЎЗБЕКНИНГ КЕЛИНИ**

*Тушгани ерида бахти чопганни  
Асло “сен”ламайди ҳеч ким бу уйда.  
Янги хонадонда иззат топганни  
Камсита олади ким кўча-кўйда?!*

*Келин ҳам бу уйда кўнгил излайди,*

*Каттани-кичикни билар муҳтарам.  
Эрининг уйида мудом “сиз”лайди.  
Чилласи чиқмаган чақалоқни ҳам.*

2015.14.03.

### **ДАРБОЗА БОЗА-БОЗА...<sup>8</sup>**

*Дарбоза боза-боза,  
Бўлди ёмон овоза.  
Қочиб кетди қизгина,  
Яралар бўлди тоза.*

*Кўнгилни босди гўбор,  
Дилни тиглар номус, ор.  
Чорак аср сўнг она  
Тақдири бўлди такрор.*

*Кунжакда она йиглар,  
Ота бағрин хўб тиглар.  
Бешикда билиб-билмай  
Чақалоқ ҳам биз-бизлар.*

*Ўтиблар шунча замон,  
Ота қилар пушаймон.  
Бўлгани бўлган унинг  
Куёв ҳоли – кўп ёмон.*

*Унга ҳам кун етади,  
Қизи қочиб кетади.  
Айтар шунда кимга дард,  
Найлайдию нетади?!*

*Дарбоза боза-боза,  
Бўлса ёмон овоза.  
Қочиб кетса қизгина,  
Яралар бўлар тоза...*

*Дарбоза боза-боза,  
Дарбоза боза-боза...*

2015.11 – 13.04.

---

<sup>8</sup>Дарбоза – дарвоза. Бу, асли, форсий сўз келиб чиқиши жиҳатидан “очиқ эшик” дегани. Чунки “дар” – “эшик”, “боз” эса – “очиқ” деган маънони билдиради.

## ОТА ЎҒИЛ

Хонанда Азиз Ражабийга

*Ўзбекона наҳорги ошлар,  
Ҳар тонг бизни мозийга бошлар.*

*Лутфий ҳамон ҳаётдир бунда,  
Ҳар нола бир баётдир бунда.*

*Сўзин тинглаб хаёл сурамиз,  
Навоийни кўриб турамиз.*

*Сўнг Фузулий тилга киради,  
Латофатлар дилга киради.*

*Ё суханнинг тортиб таробин,  
Машираб чойга қўшар шаробин.*

*Огаҳий ҳам елар устина,  
Базмимизнинг келар устина.*

*Чустий сўзга сўз қўшар бунда,  
Эркин Воҳид бир жўшар бунда.*

*Зўр мақомда йўргалар мақом,  
Дилни чертар таронайи том.*

*Унутилар тақар-туқурлар,  
Тоза удум шақар-шуқурлар.*

*Бунда чиқар чўмичда бори,  
Танбур, рубоб, балки, дутори.*

*Танбур бирдан сато бўлади,  
Не-не кўнгил адо бўлади.*

*Азиз бўлиб қолар Азиз ҳам,  
Энди танбур чолар Азиз ҳам.*

*Бир ён қолиб эстрадаси,  
Юрган йўлдан юрар дадаси.*

*Азал қўшар азал устина,*

*Ғазал айтар ғазал устина.*

2016.15.05.

### **АҚДИ ҚУДСИЙ<sup>9</sup>**

**Шайх Абдулазиз МАНСУР  
хазратларига бағишлайман.**

*“Ажратаман”, – деманг асло эру хотинни,  
Чунки кўкда ўқилган-ку улар никоҳи.  
Ҳақнинг буюк яратгани айнан одамми –  
Эр-хотинга қаратилган бутун нигоҳи.*

*Одам зотин бу оламга келтирар Худо,  
Бир восита айлаб бунга эру хотинни.  
Ота-она қўшқафтида ўсади бола,  
Ўргатишар унга, ахир, зоҳир-ботинни.*

*Тирик етим ҳоли – балким, етимдан ёмон,  
Ёқадими бу Худога? Асло, мутлақо!  
Ажралмаса, оқар сувлар – майда-чуйда гап,  
Яшаб кетар иккаласи, бўлмас ҳеч вақо.*

*“Ажраламиз”, – деса агар эр билан хотин,  
Титроқ аро қолар экан арши аъло ҳам.  
“Ярашамиз”, – деса агар эр билан хотин,  
Бирдан барҳам топар экан кулли бало ҳам.*

2016.28.05.

### **СИҒИНИШ ВА СОҒИНИШ**

*Тирноққа зор қилиб, синаб нақд олти йил,  
Қўшқўллаб сўнг эгиз берди, яйратиб дил.  
Мен Худога кеча-кундуз сизинаман,  
Неваралар кеч турса ҳам, согинаман.*

2017.18.02.

### **ФАРОСАТ**

*Бир умрлик хулосам шуки:*

---

<sup>9</sup>Ақди қудсий – муқаддас никоҳ.



*Ақл – бошқа, фаросат – бошқа.  
Кўп нарсани англамас одам,  
Тушмагунча гам-кулфат бошга.*

*Бир ҳикоя айтаман сизга,  
Ниятимни билиб оларсиз.  
Замирида ўзингиз, ҳатто,  
Фаросатни англаб қоларсиз.*

*Сарвар биби қудаларининг  
Ўтиб олди олдидан аввал.  
Тўй бошлади неварасига,  
Тайёргарлик кўрди у жадал.*

*Тўйдан олдин йиғиб гирдига,  
Етти ўғил ва уч қизини.  
“Ўпсанг, ҳозир ўп!” – деб уларга  
Бирин-бирин тутди юзини.*

*Ўпишга ҳам, ўпмасликка ҳам  
Ҳайрон қизлар, ҳатто, ўғиллар.  
Кўнгил учун бир-бир ўпаркан,  
Баъзилари ичдан пўнгиллар.*

*Пайдо қилиб бирдан қатъият,  
Ҳаммасига дағдага қилди.  
Тўй кечаси тартибин айтиб,  
Гарданига топшириқ илди.*

*Тўйда эриб, дилларинг бирдан,  
Ҳаддан ошиб, талтайиб кетма.  
Мени ўпиб, қучоқлаб ҳамманг,  
Бор меҳрингни намойиш этма.*

*Бир келиним кўнгли – яримта,  
Бағри гаму аламга тўлган.  
Юрагига олмасин тагин,  
Ахир, унинг онаси ўлган.*

2017.08.05.

## **АЁЛ ВА ҚУРОЛ**

*Жаҳон уруши – бу кўп ёмон сўғуш,  
Иккига бўлиниб олади башар.*

*Миллион-миллион қўлида қурол  
Одам ўлдиришига қилади ҳашар.*

*Бу қонли уруида биз голиб келдик,  
Жаҳолат қулади, адолат ютди.  
Ғалабага бизни нима элтди ё  
Бу жангларда нелар бош ўрин тутди?*

*То қиёмат савол тўхтамас, асло,  
Етмиш йилки, дунё сабаб ахтарар.  
Кимдир: “Ундоқ”, – дейди, ким дейди: “Бундоқ”,  
Масалага ҳар ким ҳар ёқдан қарар.*

*Баъзи сабабларни мен ҳам биламан,  
Дўстлик, бирлик бўлди, балки, зўр зоя.  
Бир мақсад йўлида бирлашди кучлар,  
Бўлди милёнларни жамлаган доя.*

*Икки ҳолат эди жанг жабҳасида,  
Ўзга юрт олмоққа чоғланди душман.  
Ватанни бермаслик – бизда бош мақсад,  
Биз қаричма-қарич талашдик Ватан.*

*Балки, биз огирроқ йўллардан юриб,  
Энг қиммат баҳода ниятга етдик.  
Бору йўқ бисотни Ватанга тикиб,  
Душмандан кўра кўп жон нисор этдик.*

*Йўқ, булар ҳеч бири бош сабаб эмас,  
Асосий сабабни сиз мендан сўранг.  
Бизда она қурол тутди қўлига,  
То абад сиз уни гул билан ўранг!*

*Мен урушни кўрган эмасман –  
Эллигинчи йиллар болаларимиз.  
Аёл жангга кирди, душманга қарши  
Ўқ отди амма ё холаларимиз.*

*Урушни бошлаган ул малъунларни,  
Авалло, оналар қарғиши тутди.  
Шунинг учун Худо бизни ёрлақаб,  
Фашист тўдасини тамом Ер ютди.*

*Аёл қурол тутса, дунё титрагай,  
Ватан – аёл учун бошқа тушунча,*

*Зебихонлар<sup>10</sup> отган ҳар бир ўқ, ахир,  
Душманни қулатди, қуввати – шунча.*

*Эй вориси Одам Атолар, келинг,  
Онанинг бағрида гўдак кўрайлик.  
Кўлларига капгир тутқазиб, гирдин  
Меҳру муҳаббатлар билан ўрайлик.*

*Дунё! Дунё бўлсанг, урушни қурит,  
Бола етим, хотин бева қолмасин!  
Одам! Одам бўлсанг, мудом ёдда тут,  
Аёл ҳеч қўлига қурол олмасин!*

2017.10.05.

---

<sup>10</sup>Иккинчи жаҳон урушида матонат кўрсатган ўзбек мергани (снайпери) Зебихон Ғаниева кўзда тутиляпти.

**МУНДАРИЖА**

<i>Биринчи боб.</i>	
Оила, жамият ва фуқаро масъулияти .....	3
<i>Иккинчи боб.</i>	
Оила – микрожамият, жамият – макрооила .....	14
<i>Учинчи боб.</i>	
Суянчиқларимиз .....	20
<i>Тўртинчи боб.</i>	
Дуо устунми ё “омин”? ( <i>Отага муносиб ўғил ҳикояси</i> ) .....	25
<i>Бешинчи боб.</i>	
Оила ва китобхонлик .....	31
<i>Илова.</i>	
Волидайннома .....	37